

ШОМУРОД СИДДИҚОВ

**ОЛИМ БЎЛСАНГ,
ОЛАМ СЕНИКИ**



Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

1981

Сиддиқов Шомурод.

Олим бўлсанг, олам сепкиш. — Т., «Ёш гвардия»,
1981.— 88 б.

Сиддиков Шамурад. Ученому мир подвластен.

ББК 72
001

Зилзиланинг содир бўлишини олдиндан айтиб бериш мумкинми? Вугунги кунда кўпчиликини инзиқтираётган бу саволга ўзбек олимлари «мумкин!» деб жавоб бермоқдалар.

Дарҳақиқат, сейсмологларимиз ишлаб чиққан зилзилани олдиндан аниқлаш усули ЮНЕСКО томонидан расмий эътироф этилган бўлиб, актив сейсмик зонада жойлашган Японияда ҳам кенг қўлланмоқда.

Муҳтарам китобхон!

Журналист Шомурод Сиддиқовнинг мазкур тўпламига кирган очерklarини ўқисангиз, олимларимизнинг сейсмология, радиобиология, фитогельментология, математика каби фанлар соҳаларида эришган улкан ютуқлари ва уларнинг тафаккур олами билан яқиндан танишасиз.

001
52
1985

С 70303—131
С 356(04)—81 без объявление

© Издательство «Ёш гвардия»—1981 г.



ФАН АРБОБИ

1980 йил. 15 январь. Газеталарда Ўзбекистон ССР Фаилар академиясининг академиги Фани Мавлоновни Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинди.

Ўша куни Фани Орифхонович шаънига қутловлар ёғилиб кетди. Шогирдлари, ҳамкасблари кабинетига кетмакест кириб, уш юксак мукофот билан самимий табриклар, устозига қучоқ-қучоқ гул тақдим қилар эдилар. Қабулхона секретари Қаримахон гулларни гулдоиларга жойлаб улгурмасди. Анвойи гуллар хонага хушбўй ҳид таратиб, олимга завқ бағишларди. Ҳа, атоқли ўзбек олми хонасига бугун — қирчиллама қишда гўё баҳор кириб келгандек эди.

Қутлов ва табриклар кечгача давом этди. Олим куннинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолди. Кечқурун машинасида уйига келди.

Ҳовлиси ҳам кишилар билан гавжум эди. Мавлоновлар сулоласининг қарийб ҳаммаси хурсандчилик учун йиғилганди. Қизи Нодира эса меҳмонлар яхши ният рамзи сифатида келтирган турфа гулларни гулдоиларга жойлаб, дастурхон безаб кенг хонага файз киритарди.

Фани Орифхонович меҳмонлар билан бирма-бир илиқ сўрашди, самимий тилаклари учун миннатдорчилик билдирди.

Гурунг то ярим тунгача давом этди. Алламаҳалда меҳмонлар тарқалишди. Фани ака уларни кузатгач; иш кабинетига кирди. Юмшоқ ўришдиқлардан бирига ўтирди. Қувонч ташвишлари билан бўлиб ҳали газетадаги хушхабарни ўқийлмагани эсига тушди. Оҳиста столдаги

газетани олиб секин кўз югуртира бошлади: «Геология-минералогия фанларини ривожлантиришдаги хизматлари ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан...»

«Хизматлари учун... етмиш йил...» деган сўзларни ўзича такрорлаб ўқиди. Газетадан кўз узиб атрофга қаради: ташқарида — дераза ортида қиш. Ер оппоқ қор билан қопланган. Ичкарида — хонасида эса анвойи гуллар бўй таратиб турарди.

Олим гоҳ ташқарига, гоҳ ҳиди димоққа гупириб уриб турган гулларга суқланиб боқди. У шу топда ўзи билан табиат ўртасида қандайдир рамзий ўхшашликни ҳис қилар эди: столдаги гуллар чамаани ёшлик ва навқиронлик чоғларини, ташқаридаги оппоқ қорли қиш эса кексалик даврини эслатарди. Шу рамзий туйғу туртки бўлдию ҳаёл уни ўтмпшга етаклади.

...Қизил аскарларнинг таъминотчилик бўлинимаснда хизмат қилаётган отасини Андижоннинг Қоракалтак қишлоғида босмачилар ўлдириб кетганда Фани саккиз яшар бола эди. Онаси Қароматхон беш нораства боласи билан бева қолди.

Бобоси Орифхон уни ўзлари яшаётган Сарчопон маҳалласидаги (Самарқанд дарвозасида) эски мактабга берди. Лекин шу орада инсонларга бахт қуёши кулиб боқди. «Аврора»нинг салобатли садоси узоқ Нева қирғидан Тошкентга ҳам етиб келди. Бу ердаги рус революционерларининг ташаббуси билан бошланган қуролли қўзғолон галаба қилди, ҳокимият ишчи-солдатлар Совети қўлига ўтди. Аста-секин хушзамон руҳи ҳаётга синга берди. Янги мактаблар ташкил этилди.

Қароматхон умид билан ўғлини эски мактабдан олиб, Арпаоя кўчасидаги Форобий номли янги мактабга ўқишга берди. Бобоси «исварамни ўриси қилмоқчисанда» деб келинига араз қилди, анча вақт у билан гап-лашмай юрди.

Ғани Мавлонов кабинетида ёлғиз ўтириб ҳозир ўша кезларни гўё тушида содир бўлгандек эсларкан, пичирлаб: «Ўрис қилмоқчисан... Таажжуб. Жанговар рус пролетариати буюк Ленин партияси раҳбарлигида зулмкор синфга, жаҳолат дунёсига қарши отланмаганида оддий косибнинг фарзанди академик даражасига эришармиди, фан ва маданиятимиз бугунгидек гуркираб юксалармиди!..»

У хаёл оғушида яна ўй суриб кетди.

Форобий номли мактабда уч йил ўқигач, муаллими Илҳом домла Бадирбой маҳалласида яна янги мактаб қурдирди ва унга бир гуруҳ талабаларини ўзи билан бирга олиб кетди. Улар орасида зеҳнли Ғани ҳам бор эди. Мактабга янги замоннинг рамзи сифатида «Учқун» деб ном берилди. У шу ерда тенгдошлари қатори биринчи босқичли мактабни тамомлади, яъни бошланғич таълимни олди. Шундан сўнг Хадрадаги Навоий номли иккинчи босқич мактабга кирди. Уни ҳам тамомлади. Лекин турмуш шароити, оилавий шароити оғирлигидан ўқишни яна давом эттиролмади. Амакиларининг кўмаги билан Эркин қишлоғи этагидан бир оз ер олиб, деҳқончилик қила бошлади.

Орадан кўп ўтмай майда деҳқон хўжаликлари колхозларга уюша бошлади. 1929 йилнинг бошида «Янги қизил ҳаёт» колхози тузилди. Ғани ўша даврнинг саводхон кишиси сифатида коллектив хўжаликни ташкил этишда фаол қатнашди. Бирмунча вақт колхоз котиби бўлиб ишлади. Коллектив хўжаликка уюшиш, кишилар билан мулоқот унинг учун мактаб вазифасини ўтади.

Бир куни шаҳарга тушганда Карим исмли ўртоғини учратиб қолди. У САГУ қошидаги ишчи-ёшлар тайёрлов курсида ўқиётганини айтди. Дўстининг гапи туртки бўлдию эртасига зудлик билан ҳозирги Ўрта Осиё Темир-йўл бошқармаси биносида ташкил этилган ўша курсга ҳужжатларини топшириш учун келди.

Курс раҳбарининг қабулхонасида қошлари қуюқ,

пешонаси кенг, хушбичим бир қишлоқ йигити билан танишди. У Қирғизистоннинг Ўш областидан комсомол йўлланмаси билан ўқишга келганини айтиб, ўзини «Абдуллаев Ҳабиб» деб таништирди. Бу ўспирин йигит ордан йиллар ўтгач машҳур геолог олим сифатида жаҳонга ном таратган Ҳабиб Абдуллаев эди.

Заковатли икки ёшнинг кейинчалик фанимиз тараққиётида сўнмас из қолдирган дўстлиги ана шу кундан бошланди.

Тайёрлов курсини тамомлагач Ғани университет геологик-қидирув факультетининг ер ости сувларини ўрганиш бўлимига, Ҳабиб эса фойдали қазилмалар бўлимига қабул қилинди. Улар ўттиз бешинчи йил ёзида университетни муваффақиятли тамомлаб, ҳаётга йўлланма олдилар. Ғани Мавлонов Ўрта Осиё Пахтачилик иншоотларини лойиҳалаштириш институтига илмий ходим, Ҳабиб Абдуллаев эса Ингпчка конига инженер-геолог этиб тайинланди.

Уша вақтда ёш республикамизда етук маҳаллий кадрлар, айниқса олимлар мутлақо етишмас эди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев бу масала билан астойдил шуғулланди. Шахсан унинг ташаббуси билан 1936 йилнинг бошида илмий муассасалар ва корхоналарда ишлаётган бир гуруҳ олий маълумотли истеъдодли ёшлар Ватанимиз пойтахти — Москвадаги олий ўқув юртлари қошидаги аспирантураларга юборилди.

Тақдир тақозосини қарангки, Ғани Мавлонов билан Ҳабиб Абдуллаев С. Оржоникидзе номидаги Геологик-қидирув илмий-тадқиқот институти аспирантурасига қабул қилинди. Улар яна ҳамкор, дўст, бир-бирига энг яқин маслаҳатчи бўлиб қолдилар.

Серпухов майдонидан кириладиган Стремянный кўчасидаги 6-уй аспирантлар ётоқхонаси эди. Ғани билан Ҳабиб яшайдиган 26-хона тезда ҳамюртларининг ўзига

хос илмий штабига айланди. Чунки улар Ўзбекистон партия ва ҳукумати зиммаларига катта масъулият юклаганини чуқур ҳис қилар эдилар.

Ҳа, Файзулла Хўжаев кейин ҳам муҳим давлат ишлари билан Москвага борганида банд бўлишига қарамасдан ўзбекистонлик ёшларнинг ўқиш шароити билан қизиқди. Уларни резиденциясига таклиф қилар, ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашар, эҳтиёжларини суриштирар, ҳатто баъзан институтларига бориб, илмий раҳбарлари билан гаплашар, рус олимларига ўзбек ёшлари ҳақида оталарча ғамхўрлик қилаётгани учун сидқидилдан ташаккур билдирар эди. У изланувчи ёшлар билан қилган суҳбатда кўпинча шундай деб таъкидларди: «Республикамизнинг истиқболни порлоқ, бойлиғи чексиз. Истиқбол уфқларини кенгайтириш, бойлигини халқ хўжалиғи тараққиётига хизмат қилдириш эса кўп жиҳатдан сизларнинг истеъодларингизга, маҳоратларингизга боғлиқ. Сизларга катта умид боғлаб турибмиз...»

Юксак ишонч ёшларга қанот боғлар эди. Одатда, улар кечқурунларни 26-хонага йиғилишиб, давлат арбобининг ўнгитлари хусусида чуқур мулоҳаза юритишар, бир-бирларининг илмий ишлари билан қизиқпшар, тадқиқ қилаётган илмий объектлари таҳлилига доир фойдали маслаҳатларини ўзаро ўртоқлашар эдилар.

Ҳамюрт дўстлар 1939 йилда аспирантурани муваффақиятли тамомладилар. Ҳабиб мазкур институтнинг аспирантура бўлими бошлиғи, Ғани эса илмий ходим этиб тайинланди. Ўша йили Ҳабиб Абдуллаев институтнинг илмий кенгашида ўзбекистонликлардан биринчи бўлиб кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Елкадош дўстининг дастлабки илмий ютуғи учун Ғани у билан баравар қувонди, айни вақтда бу унинг учун катта маънавий қувват бўлди. У ҳам «Ўзбекистоннинг баъзи районларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсиз жинсларда чўкиш ҳодисалари қонунияти» деган мавзудаги диссер-

тациясини ёзиб тугатди ва 1940 йил бошида институт илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди.

...Кунлар ўтган сари улар Ўзбекистонни қўмсар, илмий кадрларга катта эҳтиёж сезаётган жонажон республикасига тезроқ қайтишни орзу қилар эдилар. Икки дўст шу истак билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсуповнинг «Москва» меҳмонхонасидаги резиденциясига келдилар.

Марказком секретари уларни илиқ қабул қилди, гапларини диққат билан тинглади. «Албатта ёрдам қилман», деб ишонтирди суҳбат охирида у.

Орадан ҳеч вақт ўтмай Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Политехника институти) номидан С. Оржоникидзе номидаги илмий-тадқиқот институтига алоқа хати келди.

Шу-шу истеъдодли икки навқирон олим ғуборсиз ёшлик йиллари кечган қадрдон Тошкент шаҳрида илмий фаолиятини давом эттира бошладилар.

* * *

Фани Орифхонович доцент вазифасида ишлай бошлади. Ўша пайтда билагги кучга тўлган йигит эди. Чарчаш, толиқиш нималигини билмасди. Тунларни бедор ўтказиб, илмий муаммолар устида бош қотирарди. Кандидатлик диссертациясида тадқиқ қилган мавзунини яъни Ўрта Осиё шароитида соғутпроқсимон жинсларнинг говаклик ва чўкиш хоссаларини чуқурроқ тадқиқ этиш қишлоқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эканини билар эди. Шу илмий ният унга тиним бермасди.

Афсуски, орада уруш бошланди.

Ёвуз душман Ватанимиз пойтахтига — Москвага хавф сола бошлади. Бу мўътабар шаҳар унинг учун, айниқса, қадрли эди. Негаки, шу қутлуғ маърифат марказида фан оламига дадил қадам қўйди, рус устозларидан кўп нарсаларни ўрганди, уларнинг тафаккур дунёсидан баҳраманд бўлди.

Успирин Ғани тоқат қилиб туролмади. Қирқ биринчи йилнинг декабрида кўнгиллилар сафида фронтга жўнади...

Уруш... Эҳ, лаънати фашизм. У шундай дея чуқур нафас олди. Жанг изтиробларини эслаш унинг учун оғир эди. Оҳиста ўрнидан турди. Пальтосини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Бир зум самога тикилди. Осмон тиниқ, юлдузлар чарақлаб турибди. Қишнинг мусаффо ҳавоси кишига ҳузур бағишларди.

Ҳамма уйқуда. Фақат у уйғоқ, унинг хонасида чироқ ёқиқ. Лекин бугун тунда одатдагидек узоқ ўтириб, китоб ўқиётгани ёки илмий ўйларини қогозга тушираётгани йўқ. Ҳалиги хушxabар сабаб бўлди-ю, кўпдан кўришолмаган жигаргўшалари билан тўйиб суҳбатлашди, ёшлигини эслашди. Улар кетиб, хонада холи қолгач эса хаёл уни ўз оғушига олди. Эллик йиллик фаолиятини ўзича сарҳисоб этди. Юксак мукофот шу топда зиммасига янги масъулият юклагандек, ўзини партия ва давлат, илмий жамоатчилик олдида қарздордек ҳис қилар эди.

Очиқ ҳавода анча вақт айланиб юрди. Мусаффо Тошкент осмонини Украина ва Белоруссиянинг даҳшатли уруш йилларида ўқ-дори ҳиди буруқсиган губорли осмони билан хаёлан қиёслар, меҳнат ва илмий ижод учун осойишта кунларнинг ҳар дақиқаси нақадар қимматли эканини яна бир карра ич-ичидан ҳис этарди.

Хонасига қайтиб кираётиб жавонда турган чиройли қизил муқовали альбомга кўзи тушди. Уни 1-Болтиқбўйи фронтининг Қизил Байроқ орденли 91-Мелитопольский дивизияси ветеранлари Буюк Ғалабанинг ўттиз йиллиги муносабати билан жанговар уруш йилларидан хотира сифатида тошкентлик қуролдош дўстига юборган эдилар.

«Муқаддас эсдалик» дея, альбомни қўлига олди. Тик турганча уни секин варақлай бошлади. Тўрт йил аёвсиз жангларда қон кечиб ўтказган оғир дамлар: дастлаб 4-Украина фронтининг 610-ўқчи полкида партия бюро-

сининг секретари сифатида кеча-кундуз жангчиларни жасоратга даъват этгани, Симферополь, Севастополь, Перекоп шаҳарларини озод қилганларида улар шарафига ғалаба салюти берилгани, шахсан ибратли ботирлиги учун полк казармасида дивизия қўмондони оркестр садолари остида кўксига Қизил Юлдуз орденини таққани — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгидан бирма-бир ўтарди. Урушнинг таҳликали кунларини эслаган сари ҳозирги тинч айём онлари янада қимматли туюларди унга.

Уруш қаҳрамон халқимизнинг буюк ғалабаси билан тамом бўлганига ҳам ўттиз олти йил бўлаяпти. Ўттиз олти йил! Мазмуни асрларга тенг. Шу тинч, бунёдкорлик даврида она-Ватани, тугилган диёрн мислсиз юксалди, фани ва маданияти гуллаб-яшнади. Замондошларнинг маънавий камолотини айтмайсизми. Фазода ойлаб парвоз қилиш, коинот қучоғида туриб Ер куррасини илмий тадқиқ қилиш одатий вазифа бўлиб қолди.

Ўттиз олти йил! Бу давр унинг илмий камолоти йўлида ўттиз олти салмоқли пиллапоя бўлди. Фан кандидатлигидан академик даражасига, оддий илмий ходимликдан йирик илмий муассаса раҳбари даражасига кўтарилди. Партия ва ҳукуматимиз самарали хизматларини икки Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирлади. Мана яна...

Ҳа, ўттиз олти йилдан буён фан қўрғини тинимсиз тадқиқ қилади. Унинг уфқлари эса чексиз. Изланган сари фаннинг янги-янги уфқлари пайдо бўлмоқда. Шу нурли чўққилар унга ором бермай ўзига чорлайди. Лекин инсон умри ўлчовли. Тиришмаса, қатъий ҳаракат қилмаса, кўзлаган мақсадига эришолмайди киши.

Ўша тун алламаҳалгача ширин орзулар огушида ётди. Тонгга яқин уйқуга кетди.

* * *

Олим соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг геологик хусусиятларини ўрганиш устида роса саккиз йил текшириш олиб борди. Ниҳоят 1955 йилда СССР Фан-

лар академиясининг Геологик-қидирув институти илмий кенгашида, «Ўрта Осиё марказий ҳамда жанубий қисмларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг генетик типлари, уларнинг инженер-геологик хоссалари» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Москвалик олимлар ишига юксак баҳо бердилар. Айниқса, фойдали қазилмалар назариясининг асосчиларидан бири, машҳур олим, академик В. А. Обручевнинг фикри характерлидир. «Мазкур иш,— деб ёзди у тақризида,— соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги билан мутлақо қимматлидир. Шу боисдан ҳам диссертантнинг илмий хулосаси халқ хўжалиги учун беқиёс аҳамиятга эгадир».

Олим билан яна учрашганда суҳбат йўналишини атайин шу мавзуга бурдим:

— Докторлик ишингизнинг моҳиятини шарҳлаб берсангиз.

— Илгари фанда соғтупроқ жинсларининг пайдо бўлиши ҳақида асосан тўрт хил гипотеза мавжуд эди,— дея салмоқлаб гап бошлади у.— Академик Обручев бундай жинслар шамолнинг саҳро ва чўллардан чанг тўзғитиб кўчириши натижасида пайдо бўлган, деган қарашни илгари сурди. У бу усулни шамол гипотезаси, деб атади. Инглиз олими Чарльз Лейе соғтупроқ дарёларнинг сувида оқиб келган жинссимон оқовалардан ҳосил бўлади, деган гипотеза тарафдори эди. Профессор Ю. А. Скворцовнинг фикрича, соғтупроқ жинсларини жилгалар, сойлар тоғ ва тоғ ёнбағирларидан оқизиб келган эди. Москва Давлат университетининг профессори А. П. Павлов эса, соғтупроқ жинсларини сел сувлари ҳосил қилган, деган гипотезани асослади. Мазкур олимларнинг ҳаммаси ўзича ҳақ эди. Лекин менинча, уларнинг қарашлари бир томонлама эди. Бу муаммони кимдир тўлиқ асослаши лозим эди. Шунга журъат этдим. Лекин уни ечиш осон эмасди. Қарийб тўққиз йил тинмай изландик. Юқорида номлари тилга олинган олим-

ларнинг илмий асарларининг оригинал нусхаларини қайта-қайта ўқидик, уларнинг фикрларини бир неча марта муқояса қилдик. Фандаги тўрт хил илмий фаразлардан келиб чиқиб, умумий фикрга суяниб, табиатнинг турли шароитларида ҳосил бўлган соғтупроқсимон жинсларни кўп марталаб текширдик.

Баланд тоғ шароитларида ўтказган тадқиқотларимиз, хусусан, 1948 йилда Помир тоғида юз берган табиат ҳодисаси фикримизнинг ойдинлашувига сабаб бўлди. Улкан тоғ қояси ағдарилиб, Мурғоб дарёсининг бошланишидаги Сариз кўлини тўсиб қўйган эди. Ўсат қишлоғи аҳолиси учун хавф туғилди. Фалокатнинг олдини олиш учун зудлик билан тузилган ҳукумат комиссияси составида САГУ профессори О. К. Ланге ва мен ҳам бор эдик. Табиий шароитни ўргангач, тўғонни тезроқ портлатиб, сувга йўл очиш керак, деган фикрга келдик. Шу йўл билан хавф бартараф этилди. Ўшанда баланд тоғ юзасида соғтупроқсимон жинслар беш сантиметр қалинликда сингиб ётганини кўрдик. Биз учун бу янгилик эди. Ундан уч-тўрт ҳовуч қазиб олдим ва Москвага олиб бориб академик В. А. Обручевга кўрсатдим. У ҳам ҳайрон қолди. Лабораторияда махсус текширишни, таркибини аниқлашни маслаҳат берди. Хуллас, илмий таҳлиллар соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар асрлар давомида қаттиқ совуқ таъсирида тоғ юза қатламининг увоқланиши ва бу увоқлар уюмини жилғалар сойларга, дарёларга оқизиши ва ниҳоят сув билан поёнсиз пасттекисликларга оқиб келиб сингиши натижасида ҳосил бўлган, деган хулосага асос бўлди. Бу, фан учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган янгилик эди.

— Табиатдаги мазкур жараён қонуниятини кенгроқ тушунтирсангиз,— дея олимни яна гапга тортдик.

— Табиатда, айланма ҳаракат, деган қонуният бор,— деди у гапида давом этиб.— Кўп йиллик текширишлар Амударё тахминан бир миллион йиллар илгари ҳозирги Қорақум канали ўрнида оққанини кўрсатди. Демак,

Ўрта Осиёда соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар, яъни тўртламчи давр ётқизиқлари бир миллион йиллар давомида ҳосил бўлган. Бир неча йил бўлдики, илмий хулосаларимиз асосида «Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий қисмларида соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг турли генетик типларининг тарқалиши», «Ўрта Осиёнинг марказий ҳамда жанубий қисмларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг чўкиш хусусиятларини олдиндан тахминий аниқлаш» деган хариталарни тузиб чиққан эдик. Гидрогеологик ва инженер-геологик таҳлилларнинг кўргазмали ифодаси бўлган бу хариталар халқ хўжалиги қурилишининг янги ерларни ўзлаштириш, қурилиш ва сув иншоотларини барпо этиш, мавжудларини такомиллаштириш, ер ости сувлари миқдорини аниқлаш ва ундан фойдаланиш сингари муҳим участкаларида амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

— Республикамиз ер ости сувларига бойми?

— Ўзбекистонимизнинг шоирлар таъбирида «серқуёш», «тупроғи зар» деб мадҳланиши бежиз эмас, албатта,— суҳбатдошим эҳтирос билан гапирарди.— Менинча, бу сифатлашлар ёзма назм ва насрга дастлаб халқ оғзаки ижодидан кўчган бўлса керак. Оғзаки ижодиётимизда эса диёримизнинг бойлиги, бобокалонларимизнинг яшаш шароитлари ҳам акс этган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Гидрогеологик ва инженерлик геологияси институтида раҳбарлик қилган давримда, яъни олтмиш-олтмиш бешинчи йилларда илмий коллективимизнинг кучи билан республикамизнинг ер ости сувлари миқдорини кенг миқёсда ўргандик. Изчил текширишлар ва лаборатория таҳлиллари натижасида деҳқончиликнинг муҳим босқичи — экинларнинг ўсув (вегетация) даврида республикамиз территориясида ер тагидан секундига 1 минг куб сув олиш мумкинлигини аниқладик. Бу, улкан Сирдарё сизимиغا тенг демакдир. Ҳа, ўлкамиз шароити қадимдан деҳқончилик учун

ғоят қулай бўлган. Бугунги кунда деҳқонларимиз, ирригаторларимиз ва бошқа мутахассисларимиз Россиянинг қоратупроқли бўлмаган ерларини ўзлаштиришда қардош рус деҳқонларига ўз тажрибаларини ўргатаётганликлари ҳам бежиз эмас-да...

— Шогирдларингизнинг биридан 1964 йил апрелида Зарафшон дарёсининг бошланиш қисмида, яъни Айний қишлоғи яқинида юз берган табиий хавфни бартараф этишда фаол иштирокингиз борлигини ва бунинг учун ҳукуматимизнинг махсус фармони билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганингизни эшитгандик. Уша ҳодиса қандай кечганини қисқача гапириб берсангиз,— деб яна олимга мурожаат этдик.

— Сиз, журналистлар жуда ҳам синчковсизлар-да,— дея жилмайиб гап бошлади Ғани ака.— Биз геолог олимларнинг зиммасига табиий офатнинг олдини олиш, у содир бўлганда эса оқибатларини тезроқ бартараф этиш йўлларини белгилашдек ғоят масъулиятли вазифа юклатилган. Ушанда тоғ кўчиб, дарёнинг бошланиш ўзанини тўсиб қўйган эди. Океан ортидаги муҳолифларимиз эса «Қадимий Самарқанд шаҳри хавф остида. Уни сув ювиб кетиши мумкин», деб жар сола бошлаган эдилар. Ҳукумат комиссияси билан самолётда ҳодиса юз берган жойга етиб бордик. Баландлиги 150 метр бўлган тоғ кўчкиси дарёнинг қоқ белидан тўсган эди. Сув сатҳи соат сайин кўтарилар, Айний қишлоғи аҳолиси эса саросимада. Бугунгидек эсимда, бир гуруҳ қария ва ёшлар ёнимга келиб: «Академик экансиз, иложини қилинг», деб илтижо қилдилар. Инсон боласи табиатнинг хавфли кучига рўпара келган таҳликали дақиқада «академик» деган мўътабар илмий унвон оддий кишилар учун ҳам умид ва ишонч тимсоли бўлиб туюлган эди. Ушанда бу юксак унвоннинг масъулиятини яна бир карра чуқур ҳис қилган эдим... Ҳа, айтмоқчи, Тожикистондан ҳам мутахассис олимлар келган эдилар,— дея гап оҳангини бир оз ўзгартирди суҳбатдошим.— Шароит билан танишгач, ҳар

ким ўз фикрини айтди. Баъзи олимлар табиий тўғоннинг тепасини портлатиб, сувга йўл очиш лозим, деб таклиф қилдилар. Биз бунга эътироз билдирдик. Чунки бу хавфли эди. Биз эса ўнг қирғоқдан, яъни сув юволмайдиган харсанг тошли қаттиқ ердан 1200 метр узунликда чуқурлигини 27 метр қилиб айланма канал очиш ва у орқали йиғилган сувни дарёга туширишни таклиф этдик. Лекин баъзи ҳамкасбларимиз бунга рози бўлмадилар. Ўртада мунозара кетди. Бўш келмадик. Ҳукумат комиссияси бошлиғидан бу соҳа бўйича етук мутахассис, профессор Н. Н. Масловни Москвадан чақиртиришни илтимос қилдик. У учинчи кун, яъни биздан икки кун кейин етиб келди. Ҳамма таклифларни диққат билан эшитди ва бизникини маъқуллади... Ушанда маҳаллий кексалар билан суҳбатлашганимизда улар тахминан 50 йиллар илгари Айний қишлоғидан 15 километр чамаси юқорида худди шундай ҳодиса юз берганини ва Сангистон қишлоғи сув тагида қолганини эслашдилар. Осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган у даврда одамлар иложсиз эдилар-да. Биз эса юксалган фан ва техникамиз қудрати билан табиат тугдирган хавфни бартараф этдик.

— Қарийб ўн тўрт йилдан бери Сейсмология институтига раҳбарлик қиляпсиз. Коллективингиз шу даврда қандай илмий ютуқларга эришди? — деган савол билан олимни бошқа мавзуга ундадик.

— Зилзила табиат офатларининг энг даҳшатлиси,— дея бир оз маънос тортиб гап бошлади у.— Партия ҳукуматимиз Тошкент зилзиласидан кейин бу соҳада илмий-тадқиқотларни жиддий кучайтириш учун 1966 йил 1 октябрда мазкур институтни ташкил этди. 85 илмий ходим билан иш бошлаган эдик. Ҳозир эса ходимларимизнинг сони 650 га етди. Улардан беш киши фан доктори, ўттиз беш киши эса фан кандидати. Биз дастлабки кунданоқ геология ва сейсмология фанлари ютуқларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик. Негаки, ер ости қатламларининг гидрогеологик хусусиятларини яхши билмас-

дан туриб сейсмология бўйича аниқ ва самарали хулосалар чиқариб бўлмас эди. Ҳозир институтимиз Иттифоқимиздаги ва чет эллардаги йигирмадан ортиқ илмий муассасалар билан мулоқотда. Масалан, АҚШ, Япония, Болгария, Польша ва бошқа мамлакатларнинг илмий вакиллари келиб, тажрибамизни ўрганиб кетдилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, геология-минералогия фанлари доктори Абдумубди Султонхўжаев асослаган зилзиланинг содир бўлишини олдиндан аниқлаш усули ЮНЕСКОнинг тавсияси билан қатор мамлакатларда, жумладан, фаол сейсмик зонада жойлашган Японияда кенг қўлланилмоқда.

— Шу усулни батафсил шарҳлаб берсангиз,— деб илтимос қилдик олимдан.

— Эҳтимол, хабарингиз бордир, 1971 йил СССР Министрлар Советининг Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича давлат комитети бир гуруҳ олимларимизнинг «Зилзила пайтида ер ости сувлари кимёвий составининг ўзгариши» мавзуидаги кашфиётини фандаги муҳим янгилик сифатида 129-рақами билан рўйхатга олди, муаллифларга гувоҳномалар берилди. Ҳа, дастлабки текширишлар натижасида зилзила олдиндан ер ости сувларининг газ ва кимёвий таркиби ўзгариши аниқланган эди. Биз бу соҳада тадқиқотларни янада кенгроқ давом эттирдик. Кейинги натижалар зилзила олдиндан ер ости сувининг газ ва кимёвий таркиби билан бир қаторда унинг сатҳи, босими ва ҳарорати ўзгаришини ҳам кўрсатди. Ҳозир зилзилани олдиндан тахминий аниқлаш билан шуғулланадиган олтита станциямиз бор. Илгари учта эди. Яқин икки-уч йил ичида станциялар сонини ўн иккитага етказамиз. Ҳафтанинг ҳар чоршанбасида зилзилани олдиндан тахминий аниқлаш комиссиясининг йиғилиши бўлади. Унда мавжуд станцияларимиздан олинган ҳафталик текширишларни атрофлича таҳлил қиламиз, комиссия аъзоларининг фикрларини эшитамиз ва шу асосда аниқ хулоса чиқарамиз. Олимларимиз бугун зилзиланинг

тахминан қайси зонада ва қандай куч билан юз беришини айта оладилар. Тағин, домулла ошириб юборди, деб ўйламанг. Буни чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам эътироф этмоқдалар.

Фани ака шундай дея столга ўрнатилган қўнғироқ тугмасини босиб, қабулхона секретарини чақирди. Ундан аспирантура бўлиmidан «Махсус қайдлар» дафтарини олиб келишни илтимос қилди.

Олим қаттиқ жилдли дафтарни варақлаб: «Мана бу халқаро телеграмманинг таржима текстини ўқинг-а», деб уни бизга узатди. Секин кўз югуртирдик: «Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳри. Республика Фанлар академиясининг Сейсмология институтига! Маҳаллий газеталарда Сизнинг институтингиз ходимлари 1978 йил 1 ноябрда Қирғизистон территориясида юз берган zilzilани олдиндан хабар беришганини ёзишди. Сизларни муваффақият билан қизғин табриклайман. Лозим топсаларингиз, zilzilанинг бўлишини қандай далилларга асосланиб аниқлаганликларингизни ва шу zilzilага оид бошқа маълумотларни ёзиб юборсаларингиз. Сизларга эҳтиром билан профессор Роберт Уоллес. АҚШ, Калифорния».

Шу пайт директор кабинетига ўринбосари, физика-математика фанлари доктори В. И. Уломов кирди.

— Биз Олой zilzilаси муносабати билан Америка олими йўллаган телеграмма хусусида гаплашаётган эдик. Суҳбатдошимни америкалик профессорнинг вазифаси қизиқтиряпти. Мабодо, сиз эслолмайсизми? — деди у Валентин Ивановичга самимий юзланиб.

— Ўша вақтда профессор Уоллес АҚШ Геология хизмати бошқармаси бошлиғи эди. У кишини қизиқтирган материалларни юборганмиз,— деб жавоб қилди Уломов.

Академик Фани Мавлоновнинг кабинетидан бир олам таассурот билан чиқдим. Йўлда кетяпман-у, олимнинг очиқ ва ўйчан чеҳралари, қоматдор, вазмин сиймоси кўз ўнгимдан кетмасди. Хаёлимни унинг тийран фикрлари, беқиёс тафаккур кўлами чулғаб олганди.

Сўнмас истеъдод эгаси бўлган Ҳабиб Абдуллаев металл қазилмалар назариясининг асосчиларидан бири сифатида жаҳон фанида салмоқли из қолдирган бўлса, унинг яқин сафдоши ва маслакдоши академик Ғани Мавлонов совет гидрогеология фанини ўзининг самарали илмий фаолияти билан янги поғонага кўтарди. Фанимизни қимматли назарий таҳлиллар мажмуаси бўлган ўн тўрт монография ҳамда олий ўқув юртлари учун геология дарслиги, қирқ минг сўздан иборат икки жилдли русча-ўзбекча геологик терминлар лугати каби муҳим назарий ва оммавий китоблар билан бойитди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида олти фан доктори, қирқдан ортиқ фан кандидати етишди. Бугун олимнинг шогирдларини Иттифоқимизнинг кўп жойларида учратасиз. Украиналик И. С. Соколов ҳам, новосибирсклик Ф. А. Никитенко ҳам ўзбек академиги ҳомийлигида Тошкентда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган қувончли кунларини бир умр эсан чиқармайдилар, албатта.

Олимнинг самарали хизматларини партия ҳукумати-миз муносиб тақдирлади. У сазовор бўлган юксак мукофотлар орасида «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби», деган шарафли унвон ҳам бор.

Фан арбоби! Шу икки сўз — қутлуғ атама атоқли олим, йирик илмий муассаса коллективининг ташкилотчи ва ғамхўр раҳбари Ғани Мавлоновнинг бутун салоҳиятини тўла ифодалагандай туюларди менга.



**ОЛИМ
БЎЛСАНГ,
ОЛАМ СЕНИКИ**

Тошкент. Фан шаҳарчаси. Мўминов кўчаси. Иброҳим Мўминов! Бу ном ўзбек фани аҳли учун қанчалик мўътабар ва азиз. Бу кўча унинг номи билан аталиши бе-

жиз эмас. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида роппа-роса йигирма йил ишлади. Бу йиллар ўзбек фани тараққиётида сўнмас из қолдирди. Олимлар шаҳарчаси ҳам шу даврда унинг мислсиз ташкilotчилиги, олимлар ҳақидаги чексиз ғам-хўрлигининг рамзи сифатида бунёдга келди. Шаҳарчадаги ҳар бир бинога шу улуғ зотнинг нигоҳи тушган. Янгидан қад кўтарган ҳар бир бинони кўриб қанчалик қувонса, янги квартирага кўчиб кирган олим оиласини кўриб шунчалик севинарди у. Бу ўзгаришларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми Манший уй-жой комиссиясининг доимий раиси сифатида унинг бевосита иштироки бўларди. Устознинг ўзи ҳам шу бинолардан бирида камтарона ҳаёт кечирарди. Одатда у кўпинча ишдан қайтганда машинадан кўча бошида тушиб қолар, салобатли одим ташлаб, фан шаҳарчасига яёв кириб келарди: шаҳарча кўркини фахрлаиб кўздан кечирар, йўл-йўлакай ўз шогирдлари билан самимий саломлашар, улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, шундан сўнг ўз хонадонига рўпара бўларди. Бу бир зумлик учрашув устозга ҳам, унинг шогирдларига ҳам бир олам қувонч багишларди. У узун тунларда ишлаб-ҳоригач, ташқарида — тоза ҳавода сайр қилишни хушкўрарди. Ана шунда вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамасдан баъзи хонадонларда ҳам ҳали чироқ ўчмаганини, яна кимлардир иш столи устида бедор ўтириб, фан йўлида азият чекаётганини ҳис қилар, ўзида улар билан ҳамоҳанглик сезиб, енгил тортар, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Бу ҳамоҳанглик тўйғуси унга янги куч-ғайрат бағишларди. У ўз кабинетига яхши кайфият билан қайтиб кириб, иш столига ўтирарди. Ҳа, устоз ёшлар учун ибрат намунаси, катталар учун эса қувват эди. Устозга хос ишчанлик, вақтни қизғаниш одати шаҳарча аҳли учун ажойиб анъанага айланган. Бу ерда узун тунларни кунларга улаб, фан тараққиёти йўлида астойдил тер тўкаётган хонадонлар кўп. Мана, Иброҳим

Мўминов кўчасидаги 12-уй. Унинг учинчи қаватидаги квартиралардан бирида икки фан доктори — эр-хотин истиқомат қилишади. Бири физика-математика фанлари доктори, иккинчиси биология фанлари доктори. Галина Павловна билан Қарим Раҳимов ҳаётда бир-бирига жуда монанд тушган. Тақдир уларни муқаддас жойда — инқилоб бешиги, илм-фан маркази — Ленинград шаҳрида учраштирди.

Эллик тўртинчи йилнинг ёз ойлари эди. Қарим Раҳимов Самарқанд Давлат университетининг биология факультетини тамомлаб, Ленинград шаҳрига йўл олди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, И. П. Павлов номидаги Физиология институти аспирантурасига кирди. Галина Павловна эса шу йили Ленинград университетининг механик-математика факультетини тугатиб, СССР Фанлар академиясининг Табиёт ва техника тарихи институти аспирантурасига қабул қилинди. Икки ёш умумий дарсларни бирга тинглашди. Кутубхонага бирга бориб бирга қайтишди. Ниҳоят, муҳаббат деб аталмиш сеҳргар туйғу икки ёш тақдирини туташтирди.

Галина Павловна ҳаёти учун оилавий муҳит таянч нуқта ва йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилди. Отаси Павел Евменьевич таниқли олим — тарих фанлари доктори, профессор эди. Ҳозир ҳам у Оренбург Давлат педагогика институтида хизмат қилади. Онаси Ксения Яковлевна эса чет тиллар мутахассиси, немис ва француз тилларини яхши эгаллаган етук муаллима эди. Отананинг ёлғиз фарзандига қайта-қайта уқтирадиган ўғити шундай эди: «Энг бахтли замонда туғилдинг. Совет замонида инсон боласининг ҳар томонлама маънавий камолот топиши учун бутун шароит муҳайё. Мавжуд шароит ва имкониятдан фойдаланиш фақат одамнинг ўзига боғлиқ. Вақтга ютқизма, вақтдан ют. Қунт ва чидам билан ўқи».

Галина улғайган сари ота-онасининг бу панд-насиҳати унинг учун тобора янги маъно ва мазмун касб эта

борди. У мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ онаси кўмагида немис ва француз тилларини ўрганишни машқ қилди, отаси таъсирида эса халқлар тарихи, айниқса, буюк шахслар ҳаёти билан қизиқди. Университетни тамомлаб, аспирантурага кириши билан отаси унга яна бир нарсани қатъий ўқтирди: «Қизим, гарчи лотин тили илмий таҳлилда ўлик тил деб талқин қилинса-да, у фан тили, илмий терминология ва манбалар тили сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу тилни ўрганишга ҳаракат қил!» Галина ота удумига қатъий амал қилди. Аспирантура муддатининг бир йилини лотин тилини эгаллашга бағишлади. Чет тиллар бўйича топшириладиган кандидатлик минимумини ҳам лотин тили бўйича топширди. Қадимий ёзма манбалар тилини ўрганиш эса Галина Павловнанинг илмий иши учун янги имкониятлар яратди. У уч йилда «Л. Эйлернинг сонлар назариясига оид эълон қилинмаган қўлёзмалари» мавзуидаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Эйлернинг илмий мероси билан махсус шуғулланишингизнинг боиси нимада? — Сўхбатлардан бирида олимага шу савол билан мурожаат қилдим.

— Леонард Эйлер — бу Европа математика мактабининг асосчиларидан, ҳозирги математика фанини оёққа қўйганлардан бири.— дея салмоқлаб жавоб қайтарди у.— Шундай ноёб истеъодлар бўладики, улар қанчалик узоқ умр кўрмасинлар, ўзлари яратган бой ижод маҳсулини ҳаёт вақтида эълон қилиб улгурмайдилар. Леонард Эйлер ҳам кам эмас, саксон ёш умр кўрган олим. У узоқ вақт Петербург академиясида ишлаган, буюк рус олими М. В. Ломоносов билан ҳамкорликда бўлган. У саккнз юз элликдан ортиқ қимматли илмий асар ёзган. Шундан беш юз элликтаси нашр этилган. Қолганлари эса халқнинг қимматли маънавий мулки сифатида янги тадқиқотчиларга мунтазир бўлиб турибди. Менинг Леонард Эйлернинг беқиёс илмий мероси билан қизиқишим ҳам бежиз эмас эди.

Галина Павловна Матвиевская ва Карим Раҳимов 1958 йилнинг охирларида «фан кандидати» деган илмий даража билан Ленинграддан Тошкентга келишди. Карим Раҳимов Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физиология бўлимига (ҳозирги Физиология институти) ишга жойлашди.

— Катта устоз ва ажойиб инсон академик С. Ҳ. Спрожиддинов билан дастлабки учрашувимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди,— вазмин ҳикоя қиларди Галина Павловна ўша йилларни эслаб,— турмуш ўртоғим Карим Раҳимович мени В. А. Романовский номидаги математика институтига бошлаб борганди. Ўша вақтда Саъди Ҳасанович шу институт директори эди. У бизни илиқ кутиб олди ва мен билан суҳбатлашди, қанақа чет тилларни билишганимни суриштирди. Саъди Ҳасановичнинг ўшандаги маслаҳати ҳали-ҳали эсимда: «Сиз учун ўзбек фанида ўзлашмаган қўриқ бор. Бу — Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё математика тарихи. Лекин қўриққа қўл уришингиз учун аввало сиз араб тили ва графикасини ўрганишингиз лозим. Қийинчиликдан чўчимасангиз...» Ўшанда мен академик С. Ҳ. Спрожиддиновга «ишончингизни оқлайман» деб сўз бергандим. Сўзимнинг устидан чиқиш учун тинмай ўқидим, ўргандим. Бир суткада 13—14 соатлаб ишлашга тўғри келди. Роса уч йил деганда араб тили ва графикасини ўзлаштириб олдим. Шундан кейин Саъди Ҳасанович ишора қилган «қўриқ»қа қўл уришим осон бўлди.

Дарҳақиқат, лотин тили Европа шароитида инсоният яратган маънавий меросни ўзлаштиришда қанчалик катта аҳамиятга эга бўлган бўлса, араб тили ва графикаси Шарқда ана шундай муҳим «илмий калит» воситасини ўтаётганини Галина Павловна каби «кўп тилли» олимлар жуда яхши билишади.

Ҳаётда одамлар ҳар хил бўлганидек, олимлар тоифаси ҳам турли хил. Баъзилар илмий ишга даража ва

унвон учун қўл уришади. Лекин қилган иши шу даража ва унвонга арзийдими, унинг фан учун қиммати қанча — бу томонини ўйлашмайди. Даража ва унвонга эришгач, «семиз» папкадаги диссертациясини бирор нашриётда китоб қилиб чиқариш ҳаракатида бўлади. Бу йўлдаги ўринли талаб ва эътирозларни «курашиб» енгади. Китоб қилиб чиқартириб ҳам олади. Кейин уни кўз-кўз қилиб, «автобиограф» ила дўстларига совға қилади. Бунда фан, ишлаб чиқариш эмас, «олим бўлган» диссертант фойда кўради, холос. Бошқа тоифадаги олимлар бор. Уларга бу хусусиятлар мутлақо ёт. Кутубхонада китоб варақлаб ёки лабораторияда турли таҳлиллар устида ўтириб, кунни тунга, тунни тонгга улайди, ўй ва гоёлар оғушида бўлади. Улар гарчи фан уфқи чексиз бўлсада, унга етишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам ана шу тоифадаги фан заҳматкашларидан. Галина Павловна вақтни тилладан ҳам қиммат кўрадиган олима. Айниқса, араб тилини пухта эгаллаб олгандан сўнг вақтни баттар қизғанадиган бўлди у. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди олима учун асосий тадқиқот объекти бўлиб қолди. У бу ерда уззукун ўтириб, турли даврларга оид математик қўлёзмалар ва рисоаларни синчиклаб ўрганиш, таҳлил қилишга киришди. Унинг кўп йиллик тинмай изланиши, машаққатли меҳнати натижалари аста-секин оқ қозғоларга кўчди.

«Ўрта аср Шарқидаги сон назарияси ҳақида», «9—15-асрлар математикаси тарихига доир», «17-асргача Европада сон ҳақидаги назариянинг ривожланиши», «9—15-асрлар Ўрта Осиё математикаси тарихига доир» сингари муҳим илмий асарлари шу тариқа майдонга келди. Олима шу ишларнда узоқ давр сир бўлиб келган муҳим тарихий факт — Шарқ, хусусан, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари мутафаккирлар асос солган Ўрта Осиё математика фани Евро-

па математикаси учун замин бўлиб хизмат қилганини исбот қилди. Масалан, ал-Хоразмийнинг «Ал китоб ал мухтасар фи ҳисоб вал муқобала» («Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид қисқа китоб») ёки қисқача «Ал-жабр» асари 12-асрда Европада ўрганила бошлаган ва лотинчага ағдарилган. Мактаб дарсликларида ҳали-ҳалигача лотинча деб талқин қилинадиган «алгебра» (алгоритм) термини эса «ал-Хоразмий» номининг лотинча бузилган шакли эканлигини энди билиб турибмиз. Бу нарса таниқли олим Омон Файзуллаевнинг 1965 йилда нашр этилган «Муҳаммад Хоразмий» китобчасида ҳам қайд этилган. Г. П. Матвиевскаянинг йирик тадқиқотларида шарқ, жумладан, Урта Осиё математика тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалалар марксистик методология асосида чуқур талқин қилинди. Чунончи, бугунги кунда биз учун жуда табиий бўлиб кетган ўнлик системасидаги амалларни, яъни қўшиш, олиш, кўпайтириш ва бўлиш усуллари машҳур ўзбек олими ал-Хоразмий асослаган. Европа олимлари бу амалларни унинг асарларидан ўрганганлар.

Олима қатор йирик илмий асарлар эълон қилиш билан бир қаторда 1968 йилда кўп йиллик тадқиқотлари асосида «Урта асрлардаги (9-асрдан 16-асргача) сон назарияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Расмий оппонентлар, хусусан, москвалик профессор Б. А. Розенфельд, академик В. П. Шеглов бу ишга юксак баҳо бердилар. Орадан олти йил ўтгач, олима ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. У Шарқ математикаси тарихига оид туркум илмий тадқиқотлари учун 1974 йилда Беруний номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Галина Павловна тиниб-тинчимас олима. У Шарқ математика тарихининг янги қатламларини тобора кенг тадқиқ қилаётир.

Бир куни олиманинг иш столида «Фан» нашриётида

чоп этилган «Яқин ва Ўрта Шарқ ўрта асрларидаги аниқ фанлар тарихидан» деган тўпламга кўзим тушиб қолди. Галина Павловнадан шу тўплам мазмунини қисқача шарҳлаб беришни илтимос қилдим.

— Тўплам эмас, справочник-кўрсаткич,— суҳбатдошим китобни секин варақлаб гап бошлади.— Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги Яқин ва Ўрта Шарқ математикаси тарихига оид материалларни кўздан кечириб, математика ва астрономияга доир қўлёзмалар рўйхатини тузиб чиққанман. Справочникда шу рўйхат «ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти математика ва астрономия қўлёзмалари» сарлавҳасида берилган. Узоқ йиллар давомида олиб борилган текширишлар шунини кўрсатдики, ўтмишда Шарқда мингга яқин олим математика ёки астрономия билан шуғулланиб, ноёб илмий мерос қолдирган. Ал-Форобий, Ибн Абулвафо, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аб-Байҳақий, Қушйар ибн Лаббай, Ал-Андалусий, Ат-Тусий, Ал-Казвиний, Ал-Самарқандий, Ал-Ғазнавий, Шамсиддин ал Бухорий, Ат-Тафтазоний, Мирзо Улугбек, Ал-Каший, Ал-Қушчи сингари ўз даврининг буюк олимлари математика фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Масалан, Ал-Тусийнинг «Арифметикани тахта ва чанг ёрдамида ўрганиш бўйича қўлланма» асарини олайлик. Маълумки, Ат-Тусийлар яшаган даврда қоғоз-қалам йўқ эди. Шунинг учун у вақтда оддий тахтага чангни ёйиб, унга арифметик сонлар бармоқ билан ёзиб ўрганилган, чангга керакли сонларни ёзиб, ўчириш ҳам осон бўлган. Олим ўз асарида арифметик амалларни шу усулда ўрганиш қоидаларини баён қилган. Ёки бўлмаса Берунийнинг устози ибн Ироқ ҳақида гапирадиган бўлсак, бу машҳур олимнинг ҳозир бизга математик ва астрономияга оид ўн олтига расоласи маълум. Хуллас, ҳали ўрганишимиз лозим бўлган илмий мероснинг ҳажми ҳам, салмоғи ҳам жуда беқиёс. Бунинг учун бир-икки олим-

нинг умри кифоя қилмайди. Шунинг учун биз бу ишга кўпроқ ёшларни тортишга ҳаракат қиляпмиз.

Олима ҳар гал камтарлик қилиб, фандаги хизматларини атайин четлаб ўтар, суҳбат йўналишини бево-сита унинг ўзига қаратганларимда ҳам гапни бошқа томонга буриб, чап берарди. «Олим ўз бурчини оқлаши учун ҳозир бутун имконият мавжуд» дея суҳбатга якун ясашга уринарди. Аслида Галина Павловнанинг фан йўлида қилаётган ишлари ҳар қанча таърифласа арзийди. Ўз она тилисидан ташқари еттита ажнабий тилни — поляк, немис, француз, инглиз, чех, лотин, араб тилларини мукаммал эгаллаган бу олима математика тарихига доир қимматли қўлёзмаларнинг турли вариантларини бир-бири билан муқояса қилиб, Қори-Ниёзий, Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов номлари билан боғлиқ бўлган ўзбек математика фанини янги тарихий факт ва материаллар билан бойитаётир. У ёш олимларнинг ҳам ғамхўр устози. Олиманинг илмий раҳбарлигида Ашраф Аҳмедов «Геометрия тарихидан», Ҳамид Тилашев «Ўрта Осиё математика тарихига оид янги маълумотлар» деган мавзулардаги диссертацияларини ҳимоя қилиб, кандидатлик дипломини олганларига анча вақт бўлди. Бухоролик Муқаддас Абророва ҳам олима кўмагида «Бухорода математикани ўқитиш тарихидан» мавзусидаги диссертациясини ниҳоясига етказди. Наманганлик Зулфия Садриддинова ва тошкентлик Жаводулла Ибодов эса олиманинг янги шогирдлари.

Галина Павловна фан йўлида тинмай янгилик қидираётган олима. У ўзидаги ҳақиқий олимга хос синчковлик фазилатини шогирдларига ҳам юқтираётир.

Суҳбатимиз фанлар тарихи, унинг ривожланиш босқичлари мавзусига келиб тақалганда, у ислом динининг узоқ давр инсоният тафаккур тараққиётига ғов бўлганини ачиниб гапирди. Шарқшунослик ва унинг таркибий қисми бўлган туркшунослик фанларининг Шарқда эмас, аввал Европада шаклланиш сабабини ҳам шун-

дан деб изоҳлади. Йигирманчи-ўттинчи йилларда ислом динига бўлган «штурмчилик ҳужуми» даврида эса тушуниб-тушунмай, кишилар қўлндаги араб графикасида битилган қимматли илмий китобларнинг бир қисми йўқотилиб юборилганлигини эслаб, у бир оз маънос тортди. Ҳа қалтис давр «ҳазили»дан чўчиб қолган баъзи кишилар ҳозир ҳам асраб келаётган баъзи ноёб китобларни кўрсатишга журъат этолмаётганлигини айтди.

— Ишга қизиқиб, берилиб кетганимдан вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмайман,— деди олима иш режими устида гапириб.— Ҳали айтгандек буюк Берунийнинг устози ибн Ироқ ҳақидаги ишимни пиҳоясига етказишим лозим. Москвада босилаётган китобларнинг корректурасини ўқиш керак, бир томонда ёшларнинг диссертациялари. Вақтни ҳар қанча тежасак ҳам етишмайди.

— Москвада қанақа асарларингиз босилди? — суҳбат орасида сўрадим ундан.

— Абу Райҳон Беруний ҳақида академик С. Сирожиддинов билан ҳамкорликда ёзган китобимиз «Просвещение» нашриётида чоп этилди. «Урта Шарқ математиклари ва астрономлари» номли йирикроқ ишим «Наука» нашриётида босмадан чиқиб китобхонлар қўлига тегди.

— Кейинги асарингизнинг ҳажми қанча? — қизиқиб яна савол бердим.

— Қирқ босма табоқ атрофида.

— Анча салмоқли иш экан-да.— Олима ижодининг маҳсулдорлигини кўриб, шу тобда мени ҳам мамнунлик ва қандайдир фахрланиш ҳисси чулғаб олганди.

— Тарихнинг, жумладан фан тарихи деб аталадиган фаннинг олдида, бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, битта умумий проблема туради,— Галина Павловна алоҳида эҳтирос билан гапирарди.— Бу минг-минг йиллар давомида инсоният ақл-заковати билан яратил-

ган маънавий бойликнинг ўрганилмаган томонларини ўрганиб, уни замондошларимиз бойлигига айлантириш ва бугунги тараққиётга хизмат қилдириш. Ўрганилиши лозим бўлган материалларнинг кўлами эса жуда кенг. Омонлик бўлса...

Фан ичига қанчалик кириб борилса, унинг уфқи шунчалик кенг кўринаверади шекилли. Шу ўй билан рўпарадаги суҳбатдошимни зимдан кузатарканман, унинг теран кўзлари фан уфқларини тобора яққолроқ кўраётгандек, шу уфқий кенгликларда яшириниб ётган сирларни идрок қилаётгандек туюларди менга.

Олимнинг турмуш ўртоғи Карим Раҳимов ҳам янги илмий муассаса — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физиология институти лабораторияси мудури сифатида муҳим муаммолар устида иш олиб бораётир. Галина Павловна эса йигирма йилдан бери республика Фанлар академияси Математика институтининг математик таҳлиллар бўлимида катта илмий ходима сифатида тинмай изланыпти.

Қайси кун илар хонадониди бўлганимди яна бир кўнгилли воқеанинг гувоҳи бўлдим. Карим Раҳимов ўз шоғирди Бакирнинг отасини узоқ Қўшрабoт районидан чақиртириб, унга шундай маслаҳат берарди: «Хурматли Зарип ака, ўғлингиз йигирма олти ёшида фан кандидати бўлди. Қобилияти яхши. Бу илмий даража унинг учун чегара бўлиб қолмаслиги керак. Бакирни икки йилга Ленинграддаги И. П. Павлов номидаги Физиология институтига юборсак. У ерда Александр Михайлович Уголевга ўхшаган етук рус олимлари бор. Уларнинг кўлида ўғлингизнинг яна ҳам кўзи пишадиди. Сиз эса фарзандингиз оиласига, невараларингизга қарашиб турсангиз...».

— Сиз олим одамсиз, Бакиржоннинг устозисиз. Маслаҳатингиз жуда маъқул. Ахир халқимизда «олим билан юрсанг очилар кўзинг...» деган ҳикмат бор.— Зарип

ака шундай дея Карим Раҳимовнинг гапини мамнун тасдиқлади.

Оддий қишлоқ деҳқонининг ўғли Бакир Зарипов яна илм кетидан қувиб Тошкентдан Ленинградга жўнаб кетди. Карим Раҳимов ва Галина Павловна унга сидқидилдан оқ йўл тилашди. Ҳа, улар фан учун интилган одамни жуда қадрлашади, унга самимий хайрихоҳлик билан ёрдам қўлини чўзишади.

— Бўш вақтларимда бадий китоблар ўқийман,— деди иш режими хусусида гапираркан олима.— Ажнабий тилларни билганим учун Европа классикларининг асарларини ўз оргиналида мутолаа қиламан. Асарни оргиналида ўқишга нима етсин, ундаги миллий руҳ, чуқур психологизм кишига ҳузур бағишлайди. Гёте, Шиллер, Байрон, Бернард Шоу, Мопассан каби буюк санъаткорлар китобхонга бир олам завқ бағишлайди-ку... Яна тағин расмлар чизаман, табиат манзараларидан нусха кўчиришни хуш кўраман. Анали расмлар,— қўли билан хона деворида осиглиқ расмларга ишора қиларди у,— ўзимнинг машқларим. Расмларга бирма-бир кўз югуртаман. Улар профессионал рассомлар яратғандек жуда жозибали эди: кенг денгиз, елкан денгиз тўлқинларини мағрур ёриб, олға ўктам сузиб борарди. Картинани синчковлик билан кузатарканман, хаёлимда елкан билан олима ўртасида қандайдир рамзий уйғунлик ҳис қилардим.



ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Аркадий Лименовичнинг чап кўзи секин-аста хиралашиб, кўрмай қолди. Беморлик сабабини ўзича ҳар нарсага йўйди: урушда — оғир партизанлик йилларида кўрган азоб-уқубатлар асорати бўлса керак... ёки қариш нишонасимикин? Наҳотки, қариб қаерга бордим, энди 62 ёш...

Шу-шу дардига даво қидириш ўйида бўлди. Кўнгли узоқ Одессадаги В. П. Филатов номидаги Кўз касалликлари ва тўқималар терапияси илмий-тадқиқот институтига галпинарди.

Шу орада етмиш бешинчи йил бошланди. Мамлакатда Улуг Ватан уруши ғалабасининг шонли 30 йиллигини тантанали нишонлаш учун қизғин тайёргарлик борарди. Белоруссиядан Тошкентга — Аркадий Лименович Захарянц номига хат келди. У буюк ғалабанинг 30 йиллиги тантаналарида Белоруссия партизанлар ҳаракатининг фаол ва довурак иштирокчиси сифатида қатнашиш учун Минскка таклиф қилинганди. Аркадий Лименовичнинг кўнгли энгил тортиб, Минскка учиб кетди. Уни белорус қардошлари бошқа ҳалоскор ботирлар қаторида илиқ кутиб олишди. У собиқ қуролдош дўстлари билан дийдор кўришиб, уруш йиллари хотираларини эслашди, шаҳарнинг муқаддас энёратгоҳларида, диққатга сазовор жойларда бўлишди. Шунда бир гуруҳ уруш ветеранлари учун қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб саёҳат уюштирилладиган бўлди. «Ҳа, энди Одессада ҳам бўламан-а...» деб ич-ичидан севинарди Аркадий Лименович. У Одесса шаҳрида бўлганида тўғри В. П. Филатов институтини топиб борди, институт мутахассисларидан бирига кўзини кўрсатди.

— Кечирасиз, асли қаерликсиз? — ҳалиги мутахассис секин сўради ундан.

— Тошкентликман.

— Ҳозир ҳам ўша ерда яшайсизми?

— Ҳа... Нимага эди?..

— Ундай бўлса сизнинг кўзингизнинг давоси осон. Шаҳрингизда Татьяна Георгиевна деган профессор бор. Фамилияси Ильина. Бундай профессорлар бизда ҳам кам. Сизни ўзимизда даволашдан бош тортаётганимиз учун шундай деяётганим йўқ. Тўғри тушунинг мени. Ахир, узоқда даволансангиз оилангиз, қавм-қариндошларингиз ортиқча ташвиш тортади.

Аркадий Лименович институт ҳовлисидан хурсанд бўлиб чиқди. Энди унинг қалбида қадрдон шахри — Тошкентда яшаётган нотаниш профессорга нисбатан ғойибона самимият, айна вақтда умид учқунлари пайдо бўлганди.

У ветеран қуролдош дўстлари билан саёҳатни тугаллаб, Тошкентга қайтди. Қайтдию Т. Г. Ильннанинг иш жойини суриштирди.

Аркадий Лименович Татьяна Георгиевнанинг қабул кунини билиб, унинг ҳузурига кирди:

— Чап кўзим хиралашиб-хиралашиб, кўрмай қолганига 10 ойдан ошди,— у Татьяна Георгиевнага илтижо билан мурожаат қилди.

— Менга яқинроқ келинг,— профессор шундай дея офтальмоскоп билан беморнинг чап кўзини текшириб кўрди. Кейин беморга: «Чироқнинг ёниб-ўчишига диққат қилинг», деди-да, девордаги чироқни ўчириб, ёқди. Шунда у беморнинг хаста кўзи чироқ шуъласини сезганлигини пайқади.

— Катаракта, пишиб-етилган. Операция қилиб кўзингизни очиб юборамиз,— деди профессор қатъий ишонч билан. Аркадий Лименович ҳаяжон ичида «раҳмат, раҳмат профессор», деди-ю, операция сўзи эсига тушиб бир оз чўчиди. Тўғри, у уруш йилларида душман жароҳатлаган ўнг оёғини ҳарбий госпиталда операция қилдирганди. Лекин инсоннинг энг нозик аъзоси — кўз операциясининг қандай бўлишини мутлақо тасаввур қилолмасди.

Аркадий Лименович профессорга катта миннатдорчилик билдириб ўршдан турди. Эшик рўпарасига бориб, нимагадир яна орқасига ўгирилди:

— Айтмоқчи, профессор! Яқинда уруш ветеранлари сафида қаҳрамон шахарларни саёҳат қилиб қайтдим. Одессада бўлганимда Филатов институтида кўзимни кўрсатдим. У ердагилар сизни яхши билишаркан. Кўзимни, албатта, сизга кўрсатишни маслаҳат беришди.

— Бемор эшикни секин очиб чиқиб кетди. Хонада профессор ва унинг ёрдамчи ҳамшираси қолди. Татьяна Георгиевна «Филатов Владимир Петрович. Филатов институти...» дея пичирлаб, бошини қуйи солганича чуқур ўйга толди:

—1942 йил. Уруш. Очлик-юпунлик. Госпиталь ва шифоналар жангларда жароҳатланган саноқсиз беморлар билан тўлиб-тошган. Ушанда Одессадаги Кўз касалликлари ва тўқималар терапияси илмий-тадқиқот институти ҳам Тошкентга кўчганди. У ҳозирги Халқ хўжалиги институти биносида жойлашган бўлиб, унинг қошида ҳарбий госпиталь ташкил қилинганди. Илмий муассаса раҳбари В. П. Филатов шу госпитални ҳам бошқарарди. Докторлар жангчи беморлар жонига ора кириш учун кечаю-кундуз югуриб-еларди. Шу кезларда Татьяна Георгиевна ТошМИни энди тамомлаб, шу ерда ассистент бўлиб ишларди. Ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйган ёш Татьяна Филатов ёнига тез-тез келар, етук кўз мутахассиси ишини, у қилган операцияларни алоҳида синчковлик билан кузатарди. Ушанда Филатовнинг бемор кўзга шох пардани кўчириб ўтқазиш бўйича қилаётган мураккаб операциялари унда жуда катта таассурот қолдирганди. Бу хил операциялар ўша вақт медицинаси учун катта янгилик эди. Эндиликда шаҳар тез ёрдам клиник касалхонаси кўз клиникасида профессор Т. Г. Ильина бундай операцияларни анча йиллардан бери маҳорат билан ўтказиб келади.

Дарвоқе, В. П. Филатов операцияси билан боғлиқ бир эпизод Татьяна Георгиевнанинг сира эсидан чиқмайди: қирқ иккинчи йилнинг кузи эди. В. П. Филатов ТошМИга қўнғироқ қилиб, бир бемор кўзига шох парда ўтказмоқчи эканини ва бунинг учун соғлом шох парда зарурлигини айтди. Шунда Татьяна Георгиевна эпчиллик билан институтнинг патологик анатомия кафедрасидан мурданинг соғлом бир кўзини олиб Филатовга етказмоқчи бўлади. Лекин диний ақидага сиғинган мур-

да эгалари ундан ўч олмоқчи бўладилар. Кафедра му-
дири, профессор Г. Н. Терехов Татьяна Георгиевнани ўз
кабинетига яшириб, хавфнинг олдини олади.

Сухбатимиз кўз шох пардасини кўчириб ўтқазиш
масаласига келиб тақалганда профессор бир нарсадан
бир оз ўкингандек бўлди:

— Баъзи кишиларда ҳалиям жуда зарарли диний
ақидалар сақланиб қолган-да. Эмиш шароитга кўра,
одам ўлгандан кейин унинг мурдаси охиратга бутун ет-
казилиши, мурдага азоб етмаслиги лозим эмиш. Ахир,
шу ҳам гапми?! Бирор муҳим аъзонинг фаолияти бут-
кул тўхташи билан жон берган одамнинг бошқа орган-
лари соғлом бўлади. Бу медицина учун муҳим аҳами-
ятга эга. Шу органлардан биронтасини кўчириб ўтқа-
зиш йўли билан ҳаёти хавф остида турган бошқа бир
беморни ўлимдан сақлаб қолиш мумкин-ку. Маълумки,
бу нарса ҳозирги вақтда медицина оламида кенг прак-
тика қилинаётир. Кўз шох пардасини кўчириб ўтқазиш
масаласи ҳам шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган опе-
рациялардан. Одамнинг кўзига (ўнг ёки чап) оқ туш-
ганда, яъни у кўр бўлиб қолганда ёки бўлмаса тасодиф
фалокат туфайли кўз куйганда унинг шох пардаси иш-
дан чиқади. Ана шунда, албатта, унга соғлом шох пар-
да ўтқизиш керак бўлади. Биз окулист хирурглар соғ-
лом шох пардани қаердан оламиз? Фақат мурдаларнинг
соғлом кўзидан олишга мажбурмиз. Афсуски, мусул-
монларга хос ҳалиги зарарли ақида ишимизга катта
ғов бўляпти. Оқибатда ўзбекнинг оқ тушган кўзига кў-
пинча ноилож бирон бошқа миллат мурдасининг кўз
шох пардасини кўчириб ўтқазишга мажбур бўламиз.

«Главташкентстрой»нинг медицина-санитария бўли-
мининг кўз клиникаси. Эрталаб соат саккиз ярим. Ўзун
даҳлиздаги икки диван ва стулларда тизилишиб ноги-
ронлар ўтиришибди: бировнинг чап кўзи, иккинчи би-
ровнинг ўнг кўзи боғланган. Учинчи бир беморнинг ик-
кала кўзи ҳам боғланмаган — очиқ. Афсус, кўрмайди.

Унинг учун ёруғ дунё қоронғи. Ногиронлар процедура кабинетларига, ошхона ва юз-қўл ювишга ҳам палаталарга биркитилган энагалар етагида бориб келишади. Шу ногиронлар ҳолатини ич-ичимдан ачиниб кузатарканман, XIX асрнинг машҳур окулисти, атоқли немис олими И. Ф. Диференбахнинг қуйидаги сўзлари хаёлимдан бир-бир ўтарди:

«Шоирлар кўзни мадҳ этдилар, рассомлар уни тасвирладилар, аммо улар бир умрга кўриш қобилиятини йўқотган бахтсиз ногиронларнинг мунгли изтиробларида тўлиқ ифодаланган кўришга бўлган зорликнинг аҳамиятини тўлиқ кўрсатиб беролмадилар».

Ҳадемай соат тўққиз бўлади. Секин эшик очилиб, даҳлизга оқ халатли профессор кириб келади. Даҳлизда тизилишиб ўтирган беморлар бир-бирига оҳиста пичирлашарди: «Профессор келяпти, профессор». Улар тартиб сақлаб, ўз нажоткори профессор билан секин бош чайқаб саломлашдилар. Татьяна Георгиевна йўл-йўлакай беморлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, тўрға — кўз бўлими мудирининг хонасига ўтади. Бу ерда уни ҳар галгидек бўлим мудирини — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач М. Гумаров, профессорнинг шогирдлари — доцент Х. Ҳожимуҳамедов, медицина фанлари кандидатлари Э. И. Гаспарян, Т. Умарова, Ф. Ҳақбердиева, ассистент Ф. Авазматова, ординаторлар Т. Самадов, Ё. Саидова ва бошқалар кутишарди. Профессор ўз ҳамкасблари билан бирма-бир фикрлашади. Улардан ҳар бирига биркитилган беморларнинг аҳволини суриштиради. Ниҳоят, суҳбат охирида навбатда операция қилинадиган ногиронларнинг касаллик тарихи варақалари билан синчиклаб танишади, ҳар бир варақага операцияга қадар бажарилиши лозим бўлган тайёргарлик тадбирларини қайд қилади. Ҳатто қайси беморни ким операция қилиши лозимлигини айтади. Энг мураккаб операцияларни ўз зиммасига олади. Ҳа, оқ халатли шифокорлар ҳар куни шу тартибда ногиронлар кўзига нур

бахш этишдек ғоят масъулиятли, лекин энг хайрли иш-га бел боғлайдилар.

... Чоршанба. Эрталаб соат 10. Беморлар кўзига дори томизиш хонаси. Профессор беморларни палаталар бўйича кўриқдан ўтказарди. Хонага кўринишда анча чапдаст, ўртабўй, миқтидан келган, сочлари мош-гуруч, чап кўзи боғланган бемор киради.

— Ҳа, Захарянц, аҳволлар қалай? — профессор жилмайиб беморга мурожаат қиларди.

— Раҳмат, профессор.

— Кўриш қалай, кўриш?..

— Аёллар билан эркакларни бемалол ажрата оляпман,— Захарянц ҳазиломуз кулиб, профессорга жавоб қиларди.

Татьяна Георгиевна беморнинг ўзи операция қилган кўзини диққат билан кўради:

— Жуда яхши. Жумада уйга рухсат берамиз,— деди енгил овозда профессор.

— Сизга қачдай қилиб раҳмат айтсам экан, ҳурматли Татьяна Георгиевна. Сиз мен учун энг қимматли, мўътабар кишисиз энди.

Бу киши бир вақтлар Одессага — В. П. Филатов номидаги институтга бориб, кўзига даво қидирган Аркадий Лименович Захарянц эди.

А. Л. Захарянц профессор ҳузуридан чиқиши билан даҳлизда уни уч-тўрт бемор қуршаб олишди:

— Қандай бахтлисиз. Қисқа вақтда кўзингиз очилиб, уйга қайтмоқдасиз. Бизларни ҳам шу Иљина опа операция қилармиш. Шояд... Ҳа, кўзи тикланган бир беморнинг севинчи умид остонасида турган бошқа ногиронлар учун ҳам катта байрам эди.

— Ўзимизнинг Тошкентда шундай ўткир профессор бўлиб, катаракта кўзимни операция қилдираман деб, икки марта Москвага борибман-а,— дея Аркадий Коган деган бемор даҳлпздагилар суҳбатига аралашди.— Кейинги борганимда чап кўзимни операция қилдирдим.

Лекин афсус, ҳаво кескин совиб, жароҳат ўрнини шамоллатиб қайтдим. Мана, энди Татьяна Георгиевнанинг қўлида шифо толяпман. Эҳ, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадилар-да...

Шу вақт сал наридаги диванда хомуш ўтирган бир бемор суҳбатни қўмсаб, секин ўрнидан туради. Туради-ю, мўлжални йўқотиб, даҳлиз деворига келиб урилади.

— Старостин, Старостин! — мўлжални тўғри олинг, сал чапроққа юринг,— дея орқадан бир кўзи очиқ бемор келиб, унинг қўлтиғига киради. Старостиннинг икки кўзини ҳам катаракта қоплаганди. У мутлақо кўрмасди. Фақат қўлидаги асо билан йўлни оҳиста пайпаслаб, энди оёққа тураётган боладек чўчиб қадам ташларди. Мен унинг ҳолатини ачиниш билан кузатарканман, хаёлимдан беихтиёр «шу беморнинг ҳам кўзини очиб бўлармикин?» деган фикр ўтарди.

Бир кунни Татьяна Георгиевнани йўқлаб борсам, унинг кабинети рўпарасида бир қучоқ гул кўтариб шинам кийинган бир киши турарди. Уни кимгадир ўхшатдим: «Тунов кунни даҳлизда йўлини тополмай, деворга уришиб-суриниб юрган Старостин наҳотки шу бўлса?..» Кўнглимдан шу фикр ўтди.

— Кечирасиз, сиз Старостин эмасмисиз? — секин мурожаат қилдим унга.

— Ҳа, ҳа... Старостин... Николай Чевич,— у хурсандлигидан шошиб жавоб қилди менга.

— Қаранг-а, азамат докторлар кўзингизни очиб юборишибди. Табриклайман,— унга секин қўл чўздим.

— Раҳмат, раҳмат,— дея қўлини узатди у ҳам.— Менга ёруғ оламини қайтадан кўрсата олган азиз профессорга шу гул билан миннатдорчилик билдиргани келгандим.

Бир зумда профессорнинг кабинети рўпарасида гулдаста кўтарганлар гавжум бўлиб кетди. Шу вақт секин эшик очилиб, ичкаридан қандайдир бемор чиқди.

Унинг орқасидан Татьяна Георгиевнанинг шарпаси кўринди. Ҳалиги кишилар шу заҳоти уни гулга буркаб ташлашди. Профессорнинг столида гул ғарами пайдо бўлди. Бу гуллар шифо топган ўнлаб кишиларнинг ўз ҳалоскорига бўлган самимий ҳурмати рамзи эди. Анвойи гуллар очиқ деразадан эсиб турган шабадада секин чайқалиб, хонага ажиб бир ҳид таратарди. Татьяна Георгиевна бўлса гулларни кимлар, қачонги беморлар келтирганини эслай олмай, ҳайрон эди. Ахир, қандай қилиб эсласин. Бундай ҳисоблаб кўрса, унинг ҳозиргача қилган операциялари сони 18 мингдан ошиб кетибди. Бунинг устига илмий изланишлар, студентларга сабоқ бериш, аспирантларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ҳар хил ташвишлар... Ҳаммасидан ҳам Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош офтальмологи сифатида унинг зиммасига юклатилган масъулиятни айтмайсизми.

Татьяна Георгиевна бундай обрўга, халқ эътиборига осонликча эришмади. Унинг студентлик йиллари ва дастлабки меҳнат фаолияти ғоят оғир шароитга — ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун сафарбар қилинган, фронт орқасидагиларнинг эса йўқлик ва очликда, айрилиқ ва жудоликда, кеча-кундуз тинимсиз меҳнатда сабри-бардоши қаттиқ синовдан ўтаётган мураккаб бир вазиятга тўғри келди. Очлик-юпунлик туфайли шаҳар ва қишлоқларда трахома сингари инжиқ касалликлар кенг тарқалган эди. ТошМИ ассистенти, ёш Татьяна Георгиевна бошқа окулистлар қатори ўзининг иш фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ трахомага қарши курашда фаол қатнашди. У 1942—1947 йилларда республиканинг узоқ район, қишлоқларини кезди: гузарма-гузар, хонадонма-хонадон юриб, трахомага чалинганларни бирма-бир рўйхатга олди. Синчиклаб текширди, қўлидан келганича даволади, профилактик тадбирларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшди. Шу кезларда у катаракта, глаукома, туғма кўр, шапкўр, кўз шиши

каби ҳар хил кўз касалликларига дуч келди. Тўғри, у вақтларда тажрибасизлик қилиб, бундай мураккаб касалликларнинг моҳиятини яхши тушунолмади. Лекин кейинчалик тушуниш учун, касалликлар физиологиясини ўрганиш учун тинмай изланди, офтальмологияга оид китобларни, институтда беш йил сабоқ олган устози П. Ф. Архангельский асарларини, айниқса В. П. Филатов мактабининг иш тажрибаларига оид адабиётларни диққат билан ўқиб, ҳазм қилди. Шу тарзда унинг окулистик маҳорати ошиб борди. Татьяна Георгиевна аста-секин иш тажрибаларидан муҳим илмий хулосалар чиқаришга қаттиқ уринди. Шу жиҳатдан унинг 1954 йилда «Бруцеллэз шароитида кўзда юз берадиган ўзгаришлар ҳақида» мавзунда ҳимоя қилган кандидатлик диссертацияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишга В. П. Филатов Одессадан туриб, илмий советга юксак баҳо бериб, тақриз йўллаганда Татьяна Георгиевна беҳад севинганди. У олимлик шохсупасининг илк погонасида тўхтаб қолмади. Фан йўлидаги биринчи ютуқ Татьяна Георгиевнанинг ўзига бўлган ишончини оширди. У агар қатъиятлик билан илгарига интилса, тинмай изланса, бундан ҳам каттароқ илмий ютуққа эришишига қаноат ҳосил қилган эди ўшанда. Шундан кейин олима офтальмология фани олдида турган муҳим проблемалардан бири — глаукома касаллигини ўрганишга изчиллик билан киришди. Бу ишни дастлаб ташкилий томондан уюштира билди. Татьяна Георгиевна тавсиясига мувофиқ 1964 йилда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи билан жойларда глаукома кабинетлари ташкил қилина бошланди. Биринчи навбатда бундай кабинетлар Тошкент шаҳридаги 1-, 20-, 21-, 29-, 30-поликлиникалар қошида уюштирилди. Кейинчалик республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам глаукома кабинетлари иш бошлади. Бу кабинетлар ишлаб чиқариш корхоналарида, илмий ва маданий муассасаларда, аҳоли яшайдиган микроучасткаларда глау-

кома касаллигини ўз вақтида аниқлаш, шу касалга чалинган беморларни муттасил назорат қилиш билан шуғуллана бошлади. Татьяна Георгиевна глаукома кабинетлари ишнини тинмай кузатиб борди, кўплаб беморларни ўзи раҳбарлик қилаётган клиникада навбат билан даволади. Шу жараёнда глаукома касаллигининг хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш устида жпддий бош қотирди, илмий жиҳатдан таҳлил қила борди.

Дарҳақиқат, клиника ва поликлиникалар қошида глаукома кабинетлари ташкил қилиниши ва бу кабинетларнинг тажрибали окулистлар томонидан бошқарилиши яхши натижалар бера бошлади: республика миқёсида глаукома касаллигига дучор бўлганларнинг аниқроқ рўйхати олинди. Шунинг эътирофи этиш керакки, Татьяна Георгиевнанинг бевосита ташаббуси билан 60-йиллардан республикада глаукома касаллигига қарши бошланган амалий «ҳужум» қисқа вақтда катта самаралар берди: 1960 йил бошларида глаукома касаллигига чалинган беморларнинг 75 проценти кўрмаган бўлса, (шундан 25 проценти мутлақо кўрмаганлар) ҳозирги вақтда бутунлай кўрмайдиган беморлар атиги 7 проценти ташкил қилади. Бу жуда юқори кўрсаткич. Бундай муваффақиятга Т. Г. Ильинага ўхшаган чинакам инсонпарвар етук окулист олимларимиз, уларнинг ўнлаб ишбилармон шогирдларининг узлуксиз заҳматли меҳнатлари, ақл-заковати ва билим кучи билан эришилди.

Татьяна Георгиевна глаукома касалини даволаш ва унинг олдини олиш устида узоқ йиллар чинакам олиб борган амалий ишларини чуқур таҳлил қилиб, илмий хулоса ясади.

...1971 йил, 14 январь. Киев. Медицина институтининг мажлислар зали. Бу ерда институт катта илмий советининг навбатдаги йиғилиши борарди. Унда ўзбекистонлик олима Т. Г. Ильина «Ўзбекистонда глаукома касаллигининг кечиши ва унинг патогенезига оид баъ-

зи масалалар» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қиларди. Диссертант аниқ ва муҳим фактларга суянган ҳолда дадил гапирарди:

— Биз ишимизда одатдаги химиявий таҳлил усулидан, яъни спектрал анализдан воз кечдик. Унинг ўрнига янги — радиоактивицион анализ усулини қўлладик. Маълумки, спектрал анализда кўз шох пардаси, гавҳари ва тўр пардаси муфель печида алоҳида-алоҳида куйдирилади. Лекин бунда 100—120 миллиграмм кулни олиш учун 10 ёки 12 та ўрнидан кўчирилган яроқсиз кўз талаб қилинарди. Аммо бу анализ кўз аъзоларининг химиявий таркиби ҳақида тўғри ва аниқ маълумот бермасди. Чунки баъзи бир элементлар куйиш жараёнида йўқ бўлиб кетарди. Оқибатда баъзан кўзнинг химиявий состави ҳақида нотўғри хулоса чиқариларди. Масалан, илгари шу хил анализлар натижаларига қараб, кўз составида олтингугурт йўқ деб, ҳисоблаб келинарди. Ваҳоланки, радиоактив анализ олтингугурт борлигини кўрсатди. Чунки бу янги усулда кўз аъзолари анализ вақтида куйдирилмайди, термостатда қурилади ва кейин атом реакторида нурлантириб, унинг химиявий состави аниқланади. Янги метод кўзнинг химиявий тузилиши тўғрисида аниқ маълумот беради. Биз глаукома касаллиги устида олиб борган узоқ муддатли экспериментларимизда шу усулдан кенг фойдаландик. Сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қилинаётган мазкур ишда келтирилган далил ва хулосалар шу асосда олинган ва исботланган.

Шундан сўнг минбарга биринчи расмий оппонент, В. П. Филатов номидаги Кўз касалликлари ва тўқималар терапияси илмий-тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Н. А. Пучковская кўтарилди:

— Глаукома офтальмология фани учун жиддий муаммо бўлиб келаётган масалалардан бири. Диссертант

Ўзининг ишида шу масаланинг муайян томонларини ҳал қилишда янги метод — радиоактивицион анализ усулидан биринчи бўлиб тўғри фойдаланган ва фанимиз учун муҳим илмий хулосалар чиқара олган. Табиийки, бу хулосалар совет офтальмология фани учун қимматли янгиликдир...

Бошқа расмий ва норасмий оппонентлар ҳам Татьяна Георгиевнанинг диссертациясини юқори баҳоладилар. Т. Г. Ильина Киевдан Тошкентга катта қувонч билан қайтди. Фан йўлидаги бу улкан мувафқият унга туганмас куч ва қувват бахш этди. Мана, орадан қарийб ўн икки йил ўтди. Олима бу даврда ҳам қанчадан-қанча ногиронларнинг кўзини очди. Не-не мураккаб операцияларни амалий тажрибаларга, янги илмий тавсия ва хулосаларга суянган ҳолда муваффақиятли ўтказди.

Сухбатимиз офтальмология фани практикасида кейинги йилларда қўлланилаётган янги операция усуллари устида борарди.

— Мана, туғма шапкўр касалини олинг,— дея вазмин гапирарди профессор,— у ҳали-ҳалигача биз окулистлар учун жиддий проблема эди. Бу касалликни республикамиз жанубида «қора кўр» ҳам дейишади. Кўз тўр пардаси озиқланиш жараёнининг муттасил бузилиши натижасида одам тунда кўриш қобилиятини йўқотади. Илгари бундай беморларни ҳар хил эмлаш, электрофарез, ультратовуш сингари тиббий ёрдамлар воситасида кўриш қобилияти маълум муддатгагина тикланарди. Эътироф этиш керак, бутунлай даволай ололмасдик. Бемор охири бориб кундузи ҳам кўрмай қоларди. Эндликда эса туғма шапкўрни реваскуляция, яъни кўз мушагининг қон томирларга бой тўқималаридан бир бурдача кесиб олиб, бемор кўз ичига кўчириб ўтқазиш усули билан кўз томир пардасининг озиқланишини тўла тиклашга муваффақ бўляпмиз. Яна афсусланарли парса шундаки,— профессор бир оз койиниб сўзида давом этарди,— бизда наслий касалликлар оқибатида чақалоқлар

кўзи ожиз, туғма кўр, туғма катаракта, кўзида қандайдир шиш ва сўқир бўлиб туғилдилар. Улар дунёга келиши билан ўз ота-онасини кутилмаган мусибатга қўяди. Бунинг сабаби нимада? Бу, яқин қариндошлик муносабатида бўлган йигит-қизларнинг ўзаро турмуш қуриши оқибатидир. Кўпроқ Ўрта Осиёнинг маҳаллий халқларига хос зарарли бу одат медицина ходимлари учун ортиқча ташвиш туғдирмоқда. Наҳотки, улар биологик ирсият қонунини билмасалар. Баъзан бу салбий анъана ҳақида гап кетганда, яқин қариндошлик алоқаси бўлган оилаларда соғлом фарзанд туғилганлигини рўкач қилувчилар ҳам учраб туради. Уларга жавобимиз битта: турмуш қурган қариндошларнинг олдинги бўғин насллари буткул соғлом бўлган тақдирдагина шундай бўлиши мумкин. Лекин бу ҳол жуда камдан-кам учрайди. Туғма бахтсизликнинг олдини олиш, аввало, кишиларнинг ўзларига боғлиқ.

— Татьяна Георгиевна! Айтинг-чи, совет офтальмологлари олдида қандай проблемалар турибди? — суҳбат охирида олимага анъанавий савол билан мурожаат қилдим.

— Ҳар бир фан қанчалик тараққий этса, янги-янги масалалар, проблемалар шунчалик кўп туғилаверади,— салмоқлаб жавоб қайтарарди олима.— Диалектик қонуният шундай. Бу жиҳатдан жонажон партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларида, ўн биринчи беш йилликда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида мамлакат соғлиқни сақлаш ишларини ва медицина фанини янада кенг кўламда ривожлантириш юзасидан белгиланган улкан тадбирлар алоҳида диққатга сазовордир. Партия съезди биз олимлар олдига катта масъулиятли вазифаларни қўйди. Совет окулистлари ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Энг жиддий кўз касали — глаукомани олайлик. Илгари бу касал қарилик касали, кўз қон босимининг пасайиши билан боғлиқ бўлган «иллат» деб қара-

ларди. Лекин бу касаллик ўрта ёшдаги кишиларда, ҳатто ундан ёшроқларда ҳам учраб турибди. Глаукоманинг асл сабаби нима? Бу проблема ҳали тўла-тўқис ҳал қилинмаган. Унинг олдини олиш мумкинми? Бу саволга ҳам ҳозирча тўғри ва аниқ жавоб топа олганимизча йўқ. Қон-томир касалликлари, диабет, захм сингари оғир дардлар беморнинг кўз органида қай тарзда асорат қолдиради ва бу асоратнинг олдини олиш мумкинми? Ана шу хил масалаларни совет офтальмологлари қунт ва чидам билан, турли профилдаги медиклар билан изчил ҳамкорликда ҳал қилишлари лозим.

Татьяна Георгиевна билан хайрлашиб ташқарига чиқдим. Революция хиёбонида, аниқроғи, ТошДУнинг биология корпуси ёнида танишим, атоқли олима, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, университет профессори Илария Алексеевна Райковага дуч келдим. Гапни нимадан бошлашни билмай, ҳозир профессор Т. Г. Ильинаникида бўлганимни айтдим. У йўл-йўлакай мени катта бир сирдан огоҳ қилди:

— Айтмоқчи, биласизми, Татьяна Георгиевна кимнинг қизи?

— Йўқ! — Илария Алексеевнага ҳайрон бўлиб тиклдим.

— У 1920 йилда доҳиймиз В. И. Ленин йўлланмаси билан Тошкентга, Туркистон университетига ишлаш учун келган машҳур медик Георгий Александрович Ильиннинг қизи бўлади. Бобоси Александр Степанович Ильин ҳам зўр медик эди. У ТошМИ суд медицинаси кафедрасининг мудури бўлиб кўп йиллар ишлаганди. Георгий Александрович, унинг хотини, Анна Михайловна — ҳаммамиз биринчи поездда Москвадан Тошкентга келганмиз. Тўғри, у вақтда Татьяна онасининг қорнида эди. Биз йўлда ҳомиладор Анна Михайловнадан, «бирор ишқал юз бермаса эди», деб кўп хавотирланганмиз. Биз 10 апрелда етиб келган бўлсак, 26 июнда Иль-

инлар оиласида қиз туғилганди. Ушанда бизлар ҳам улар севинчига шерик бўлгандик. Мана бугун Татьяна Георгиевна ТошМЙнинг таниқли профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, уни эл танийди. Марҳум отаси Георгий Александрович ҳам жуда катта одамий эди-да. У билан анча йиллар бирга ишладик. Медицина институти ташкил топгач, у ерга ишга ўтди, бир неча вақт институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Ўзбек халқи учун кўп меҳнати сингган бу етук олим 1925 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг ўша вақтдаги юксак мукофоти — Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. Қизи Татьяна ҳам отаси изидан борди. Уни 20-йиллардаёқ рус олимлари юксак туйғу билан Туркистон тупроғига ташлаган қутлуғ қадамнинг муносиб давомчиси десак хато қилмаймиз.

Қутлуғ қадам давомчиси. Илария Алексеевнанинг бу гапи қулоғимга жуда илиқ эшитилди.



ТАФАККУР КУЗИ

Олим ҳузурига чоғланарканман, қора шудгор бошида кузатган бир манзара сира кўз ўнгимдан кетмайди.

... Кеч куз. Деҳқон ғалвирни сувдан кўтарган пайт. У йил бўйи тер тўкди. Машаққатли меҳнати эвазига пахтадан мўл ҳосил ундирди, эл дастурхони учун етарли ноз-неъмат ҳозирлади. Лекин бунёдкор деҳқон ҳали ҳам тинчигани йўқ. У ҳамон далада — кузги шудгор бошида эди.

Шудгор! Деҳқон учун бунинг ўзига яраша гашти

бор. Плуг тақилган тракторлар ер бетини бир текис қорайтириб борарди. Тупроқ тагида жон сақлаётган қурт-қумурсқалар талвасада. Буни кўрган қара-зоғлар тепада гала-гала бўлиб чарх урарди. Улар пастлаб келиб, қора шудгорга ёпирилади, уяси бузилиб, тупроқ юзасида тўзғиб қолган қурт-қашаротларга чанг солади...

Дарвоқе, ҳайвонларнинг ҳаётига ҳам ҳайрон қоласан киши. Уларнинг баъзилари иккинчисининг ҳисобига яшайди, бири учун иккинчиси кушанда. Бошқалари эса экин-зираотга зулукдек ёпишиб, инсоннинг насибасига шерик бўлади. Уясига «ўт» тушиб, қушларнинг текин ўлжасига айланган ажал чангалидаги қуртларни кўрган бободехқоннинг хаёлидан шу фикрлар ўтарди.

У секин шудгор оралади. Ерга дам-бадам энгашиб, ўсимликларнинг чириган қолдиқларини, гиёҳларнинг илдизларини битталаб терарди. Сўнг қучоғини тўлдириб, пайкал четига элтиб тўкади. Шунда ўсимлик қолдиғига канадек ёпишган майда қуртчаларга кўзи тушади. Унга жиддий тикилиб, бир зум хаёлга толади: «Айтмадимми, бу картанинг баракаси олдинги йилгидек бўлмади. Насибамизга шу лаънати зараркунандалар шерик бўлган. Қачон қутуларканмиз, бу текинхўрлардан. Олимларимиз эртароқ бунинг чорасини топишса эди-я...». Деҳқон аччиқ устида гугурт чақиб, ҳалиги ёввойи ўтгиёҳ уюмларини куйдиради. Кейин рақибини мағлуб қилган ботирдек ўзини енгил тортарди... Шу хаёллар оғушида Аҳроп Тўлаганов ҳовлисига рўпара бўлдим.

...Одатдаги кўп қаватли тураржойлардан бири. Олим мени бурчакдаги хонага бошлади. Хонанинг ҳамма томонига шифтга етказиб алоҳида дид билан китоблар терилганди. Чиройли муқовали, қалин-қалин китоблар эътиборингизни ўзига тортади. Бу китоблар фан оламининг ҳамма соҳасига оид эди. Адабиётларнинг кўпчилиги аллақачон олимнинг назаридан ўтганлиги шундай билиниб турарди. Аксари китобларнинг керак-

ли саҳифаларига оқ қоғозлар қистирилган эди. Ёзув столи устида ҳали сиёҳи қуримаган аллақандай қўлёзмалар турибди. Олим ҳар соат, ҳар минутни изланиш, ижод қилиш билан ўтказди. Рўпарадаги том-том китобларга боқиб, бир бошга улардаги олам-олам фикрларни қандай қилиб жо қилиш хусусида хаёл юритардим. Албатта, Аҳрор Тўлаганович бу китобларни оддий китобхон сифатида шунчаки қизиқиш учун ўқимайди. У ҳар бир китобдаги фикрларнинг маъзини обдан чақди, мунозарали ўринларни эринмай белгилаб чиқди. Столдаги катта китобнинг очиқ саҳифасига қалам билан қўйилган сўроқ аломатлари шундан далолат берарди. Жавондаги элликка яқин китоб олимнинг қаламига мансуб. «Ўзбекистоннинг ўсимликлари ва тупроғидаги нематодалар» деган илмий асарининг тўртинчи китоби тез орада ўзимиздагина эмас, чет элга тарқалди. Ҳатто олимнинг ҳамкасабалари унинг янги асари ҳақидаги таассуротларини ёзиб юборишди. Будапешт университетининг профессори Истван Андрашиш олимнинг бу асарини «фан учун муҳим ва қимматбаҳо ютуқ» деб баҳолади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган стол устидаги бошқа хатларда ҳам шу асар ҳақида илиқ гаплар билдирилганди.

— Китоб устида гаплашсак, гап чўзилаверади. Яхшиси очиқ ҳавога чиқиб суҳбатлашайлик,— Аҳрор ака кулимсираб айвонга таклиф қилди. Суҳбатимиз чой устида давом этди.

— Мана, шу замин. Унинг усти ва унда нималар мавжудлиги сизу бизга яққол кўриниб турибди,— олим ҳовлига, ундаги дов-дарахтларга қўли билан ишора қилиб гап бошлади.— Лекин шу замин у оламнинг тагидаги, тупроқ орасидаги ҳаёт оддий кўздан яширин. Бизга оддий туюлган шу тупроқ орасида минг хил каттаю кичик жониворлар, фақат микроскопдагина кўринадиган жуда кўп умуртқасиз ҳайвонлар тирикчилик қилади. Фаннинг ҳозирги ҳисобига қараганда, шу умуртқасиз-

ларнинг 90 ва ҳатто 99 процентини нематодалар деган чувалчангсимон думалоқ қуртчалар ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги ўсимликлар танасида, илдизида текинхўр бўлиб яшайди. Олимлар ўсимлик танасида бундай паразитлар яшашини XVII асрдаёқ аниқлаган эдилар. Лекин узоқ вақтгача бу жониворларга тегишлича аҳамият берилмай келинди. Нематодалар гоёт майда бўлганлиги учун аҳамиятсиз деб қаралди, улар етказган зарар учун эса бошқа жониворлар айбли бўлди. Эндиликда фанга бу митти зараркунандаларнинг ҳақиқий «башараси» маълум. Нематодалар, хусусан, ўсимлик нематодалари (фитонематодалар)ни ўрганиш билан махсус фан — фитогельминтология шуғулланаяпти. Биз ҳам шу фanning хизматкоримиз. Фитогельминтология проблематик лабораториямиз ҳам озми-кўпми шу борада иш қиляпти.

...Аҳрор Тўлаганов билан иккинчи марта иш жойида — университет лабораториясида учрашдик.

Фитогельминтология лабораторияси. Кенг хонада оқ халатли тўрт-беш киши микроскопга кўз тикиб ўтирибди. Улар микроскоп мурватини у ёқ-бу ёққа бураб, унда ниманидир узоқ текширар, гоҳида кўзини микроскоп линзасидан олиб, ёнидаги графали оқ қоғозга қандайдир рақамларни ёзишарди. Профессор ҳам шу ерда ҳозир эди. У шогирдларининг ишини зимдан кузатарди. Аҳрор ака шогирдларини таништирди.

— Мана, бу кўзи ўткир қизлар лаборантларимиз, — у микроскопли қизларга ишора қилиб гапирарди. — Ҳув наридаги жувон эса кечагина шогирд эди, бугун етук олим, фитогельминтологияда кўзи пишганлардан. Биология фанлари кандидатлари — Осие Усмонова, Дилором Ғуломова. Улар фанни янги маълумотлар, абсолют ҳақиқатлар билан бойитиш ҳаракатида.

Биз кейинги ёзда Бухоро областининг хўжаликларидида қарийб бир ой экспедицияда бўлдик, — деди

Аҳрор ака вазмин сўзида давом этиб,— Қоракўл, Гиждувон каби 5 районнинг 25 хўжалигида қишлоқ хўжалик экинларининг нематодалардан қай даражада зарарланганлиги билан қизиқдик. Мана, ҳозир шу экспедиция даврида тўпланган материаллар — зараркундалар зиён етказган ўсимлик илдизларини лаборатория анализидан ўтказаяпмиз. Бу фан учун анча янги маълумотлар беради, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, шундай: Фитогельминтология лабораторияси фаннинг илмий таҳлиллар ва хулосалар чиқариладиган чинакам ўчоғи ҳисобланади. У тегишли асбоб ва ускуналар билан мукамал жиҳозланган: солиштирама микроскоплар, микропроекцион аппаратлар, объектни юз минг марта катталаштириб кўрсатадиган электрон микроскоп, қўйингки, ҳаммаси муҳайё бунда.

Айтмоқчи, бу ноёб лабораториянинг ташкил қилинишининг ўзи бўлмади. Аҳрор Тўлаганович, ҳозиргидек, Тошкент Давлат университетининг умуртқасиз ҳайвонлар кафедрасига мудирлик қилиб юрган кезларда шундай лаборатория ташкил қилиш ҳаракатида бўлди. Лекин ҳаракат ҳадеганда натижа бермаётганди. Қўққисдан бу орада олимнинг ҳаётида ўзгариш юз бериб қолди. Республика партия ва ҳукумати уни Самарқанд Давлат университетига ректор қилиб тайинлади. Очигини айтганда, бу, олимнинг фан йўлидаги ниятларининг амалга ошишига қўл келди. У шундан кейин фитогельминтология лабораториясини ташкил қилишга астойдил киришди. Бу хусусда СССР Олий ва ўрта таълим министрлигига, Фанлар академиясига бир эмас, бир неча марта мурожаат қилди. Москвада ҳар бўлганида министрлик раҳбарларига шундай лабораториянинг зарурлигини қайта-қайта уқтирди. Уриниш, ҳаракат зое кетмади. Олимнинг шахсий ташаббуси билан 1959 йилда мамлакатда биринчи Фитогельминтология проблематик лабораторияси СамДУда ташкил этилди. Орадан бир йил ўтгач шу лаборатория ташаббуси, аниқроғи, олим-

нинг жонбозлиги билан Самарқанда фитогельминтологларнинг 5-Бутуниттифоқ кенгаши ўтказилди. Кенгаш фитогельминтология бўйича Ўрта Осиё шароитида эришилган дастлабки ютуқларини қайд қилди. Бу катта хайрли ишнинг бошида Аҳрор Тўлагановдек забардаст олим турганлигини мамнуният билан эътироф этди. Кенгашда фитогельминтологларнинг галдаги вазифалари белгилаб олинди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон фитогельминтологлари зиммасига ҳам янги масъулият юклади.

Мазкур лаборатория олтмиш учинчи йилда ТошДУга кўчирилди. Шу-шу олимнинг кейинги илмий фаолияти лаборатория билан узвий боғлиқ. Лабораторияда илмий иш кўлами борган сари кенгайиб борди. У мамлакат миқёсидагина эмас, балки жаҳон миқёсидаги илмий марказга айланди. Айни вақтда лаборатория 15 та чет эл илмий муассасалари билан, шунингдек, СССРдаги ўнлаб илмий ташкилотлар билан доимий алоқада. Канада қишлоқ хўжалик департаментининг тажриба станцияси, Калифорния университети, Бельгия, Ҳиндистон, Покистон, ГДР, Венгрия каби мамлакатларнинг тегишли илмий муассасалари шу лабораториянинг илмий ютуқларидан хабардор бўлиб турибди. Ҳа, оддий ўзбек олими эришган ютуқлар шу узоқ мамлакатларда ҳам қадрланаяпти, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жорий этилаяпти. Бу ўзбек фани, қолаверса, бутун совет фани учун катта шараф, обрў эмасми.

Аҳрор Тўлаганов фитогельминтология фанининг асосчиларидан бири сифатида ўзининг 44 йиллик илмий фаолияти давомида Ўрта Осиё тупроғи ва ўсимликларидаги нематодалар дунёсини синчиклаб ўрганди ва ўрнида давом этаётир. Модомики, бу жойларда нематодаларнинг 500 дан ортиқ тури мавжудлиги, шундан 60 хили фан учун янгилик эканлиги аниқланган экан, бу заҳматкаш олимнинг, у бошлиқ илмий коллективнинг фан тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси! Бу рақам-

ларнинг илмий ва амалий таҳлили ўнлаб қалин китобларда ўз ифодасини топди.

Табийки, оддий кўздан яширин, тупроқ орасида, ўсимликлар танасида яшовчи нематодалар инсоният ризиқига кўз тиккан паразитлардир. Олимларнинг ҳисобига кўра, Ер юзиде етиштирилган ноз-неъматларнинг ўндан бир қисми ана шу паразитлар ҳисобига қўлдан бой берилади. Масалага шу нуқтаи назардан қаралганда, фитогельминтология фанининг қанчалик аҳамиятли эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Буни олим билан ҳар гал суҳбатлашганимизда, унинг илмий фаолияти билан тобора яхшироқ танишганимиз сайин янада яққолроқ ҳис қилардим.

Аҳрор Тўлаганович илмий ишга қўл урибдики, деҳқонлар орасида, улар билан доим ҳамнафас. У шу вақтгача ўз шогирдлари билан республика бўйлаб қирқдан ортиқ илмий экспедиция ўтказди. Шу экспедициялар давомида қарийб ҳар бир колхоз ва совхознинг ер шароити ўрганилди, экинларнинг текинхўр қурт-ҳашаротлар билан зарарланиш даражаси аниқланди. Лаборатория учун етарли миқдорда материал тўпланди.

Ҳа, профессор фақат университет талабаларига машғулот ўтказиш билан чекланаётган аудитория олими эмас. У ҳам назарийчи, ҳам амалиётчи. Ўзининг онгли ҳаётини фанга, қишлоқ хўжалик экинларини ашаддий текинхўр нематодалардан муҳофаза қилишдек саховатли ишга бағишлаб келаяпти. Бу ўринда муҳим бир мисолни келтиришни истардик. Тошкент областининг анчагина хўжаликлариде каноп экини тугунак нематодалар билан зарарланганлиги аниқланди. Ўз вақтида тегишли қишлоқ хўжалик идоралари бундан огоҳ қилинди. Лекин бу ташвишли сигналга ҳадеганда эътибор берилмади. Оқибатда нима бўлди денг. Ун минг гектар чамасидаги каноп экинлари нематодалардан қаттиқ зарарланди. Бу ҳисобга катта иқтисодий зиён кўрилди. Офатнинг олдини олишда Аҳрор Тўлаганов қатъиятлик

кўрсатди, юқори қишлоқ хўжалик ташкилотларига бунда фақат фаннинг кучига суюниб иш кўриш кераклигини уқтира билди. Олимнинг тавсияси билан нематодалардан зарарланган ҳамма майдонга бардошли экинлар — пахта ва маккажўхорини алмашлаб экиш жорий этилди. Шу йўл билан канопзорларда тугунак нематодалари йўқотилди, каноп ҳосилдорлиги кескин ошди. Бу ҳисобга бир йилда кўрилган фойда бир неча миллион сўмни ташкил этди. Тошкент области шароитида уч йил давомида ғўза ва маккажўхори экинларининг тугунак нематодалар билан зарарланмаслиги исботланди. Бу, ҳам фан ва амалиётга муҳим янгилик бўлиб қўшилди.

Ҳақиқий олим — мураббий, устоз бўлиши лозим. Аҳрор Тўлаганов — шундай саховатли қалблилардан. У биргина фитогельминтология бўйича йнгирмадан ошиқ фан кандидатлари етиштирди.

— Кандидат шогирдларингиздан нечаси доктор бўлиш ҳаракатида? — сўрадим олимдан.

— Буларни қистаб, илгарига ундаб турибмиз. Бўлмаса хотиржам юришаверади, — олим ёнидаги шогирдларига майин жилмайиб қараб қўйди... — Ҳақиқий олим давр ва кундалик ҳаёт талабига ҳозиржавоб бўлиши, эски «багаж» билан қолмаслиги лозим.

Бу фазилат Аҳрор Тўлагановнинг ўзига ҳам хос. У замонавий олимлардан. У доим ижод қилиш, яратиш билан банд. «Ўзбекистоннинг ўсимликлари ва тупроғидаги нематодалар» монографиясининг 5-китоби ва шогирди Осие Усмонова билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбекистон фитогельминтологияси муаммолари» деган йирик асари кетма-кет нашрдан чиқди. Бундан ташқари, бевосита у кишининг тавсияси билан республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси томонидан чиқариладиган нематодаларга қарши курашиш ҳақидаги плакат-қўлланмалар чиқарилди.

1964 йилларда Куба республикасида экинлар нематодалар билан қаттиқ зарарлана бошлади. Партия ва ҳу-

кумат олимнинг ўша жойда бўлишини лозим топди. Аҳ-
рор Тўлаганович Куба Фанлар академияси Биология
институтининг Марказий тажриба станциясида беш ой
хизматда бўлди. Ўзининг фитогельминтология соҳаси-
даги бой илмини, катта тажрибасини кубалик ёш олим-
лар билан ўртоқлашди, социалистик Кубанинг иқтисод-
ий жиҳатдан мустақкамланишига ўз ҳиссасини қўшди.
У СССР ФА Фитогельминтология соҳасидаги тадқиқот-
ларни координациялаш советининг аъзоси сифатида
ҳам фаоллик кўрсатиб келяпти.

Маълумки, ҳақиқий олимнинг яна бир фазилати — бу
камтарлик. Аҳрор ака табиатан камтар. Суҳбат мавзуи
орден ва унвонларга келиб тақалганда, «буёғини қўяве-
ринг...» деб, тақдирномалари ҳақида гапиришни хуш
кўрмади. Бўлмаса, олимнинг илмий унвони ҳам, муко-
фотлари ҳам салмоқли: ЎзССР ФА мухбир-аъзоси, рес-
публикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби,
қўш-қўш орден эгаси... Ватани сийлаган, эл эъозлаган
олимнинг бахти шундай улуғ бўлади. Бунини ортиқча таъ-
риф-тавсиф қилишга ҳожат йўқ.

...Олим билан кейинги гал кўпни ташвишлантираёт-
ган масала устида суҳбатлашдик. Гап ғўза зараркунан-
даси ва унга қарши химиявий кураш устида борарди.
Мен у кишидан етук биолог сифатида ғўза зараркунан-
даларига қарши химиявий курашни биологик ёки бош-
қа агротехник кураш билан алмаштириш истиқболини
билгим келди.

— Бу жуда жиддий ва мураккаб масала,— деди олим
ўйланиб...— заҳарли дориворларни иложи борича само-
лётларда сепмаслик лозим. Чунки дори самолётда се-
пилганда, у ҳали ғўзага тушмасданоқ очиқ ҳавони за-
ҳарлайди. Бу, тирик организм ҳаёти учун жуда хавфли.
Шунинг учун химиявий дориворларни ишлатишда ер-
даги техника воситаларидан фойдаланишга узил-кесил
ўтиш керак. Пахтазорларда ғўза зараркунандаларининг
авж қилишининг сабаблари бор. Ғўза ўстириляётган ер-

ларнинг кўпчилиги ориқлаб қолган, унинг структураси бузилган. Бунинг устига қайси бир жойларда кимнингдир «ўғит бўлади» деган «башароти» билан ғўзапоярлар ерга қўшиб ҳайдалди. Бу, ҳар хил зараркунандаларнинг замбуруғлари учун қишда «иссиқ жой» ҳозирлашдан бошқа нарса эмас. Фан буни шундай деб тушунади. Лекин афсуски, баъзи ҳолларда фан кучидан маъмурий куч устун келган айрим жойларда илмий хулосадан кўра, хаёлий ақидага амал қилинади. Деҳқончиликда фан кўрсатмасига, амалий тажрибага суяниб иш тутишимиз лозим. Айтмоқчиманки, ғўза зараркунандалари — хавфли ва ашаддий текинхўрлар. Ҳозир пахтакорларимиз, (айниқса, Фарғона водийсидаги областларда) 30—40 йиллардан бери сурункасига пахта экилиб, ориқланиб қолган ерларда деҳқончилик қилинмоқда. Ҳосил меҳнатнинг зўри, ўғитнинг кучи билан олинаётир. Шунинг учун етиштирилган пахтанинг таннархи қиммат. Негаки, унга меҳнат, яъни харажат кўп сарфланаяпти. Эски ерларда зараркунанда қурт-ҳашаротлар ҳам мослашиб, «ўтроқлашаяпти». Бизнингча Қарши, Шеробод даштларидан, Мирзачўлдан ўзлаштирилаётган янги ерлар ҳисобига кўп йиллардан бери пахта экилиб келинаётган ерларга дам бериш лозим. Бу жойларга алмашлаб экишни қатъий ва амалий жорий қилиш керак. Бу, ғўза зараркунандаларига қарши курашда муҳим агротехника тадбири ҳисобланади. Албатта, бу борада биологик методни жонлантиришимиз лозим. Бу масалада биз олимлар зиммасида катта масъулият турибди.

Ҳа, олимимиз кўпнинг ташвишида. У фан камолоти, деҳқон саодати ҳақида қайғуради.

...Шаҳарнинг нақ маркази. Чимкент кўчасидаги таниш уйда фанимизнинг заҳматкаши истиқомат қилади. Иккинчи қаватдаги деразаси сиртга қараган хонада кечалари билан чироқ ўчмайди. Олим фан учун бирор янгилик, бободеҳқон учун энгиллик яратаётган бўлади.



Набижон ака билан даставвал Кимё институти директори Мирҳожии Асқаров ҳузурида танишган эдим. Бир пиёла чой устида бошланган одатий суҳбат қизиби, жиддий илмий мавзуларга кўчди. Кимёгар билан биолог жаҳон фанининг бугунги тараққиёти, олимлар олдида турган илмий муаммолар хусусида гаплашдилар. Набижон Назиров жаҳон фан ютуқларини соддагина тарзда ҳикоя қиларди:

— Аҳолининг тез ўсиб боришини ҳисобга олганда, озиқ-овқат ресурсларини, қишлоқ хўжалик хом ашёсини кўпайтириш бугунги кунда муҳим масала бўлиб қолди. Уни ҳал этишда фаннинг барча ютуқларидан фойдаланиш керак. Бу борада фан катта ютуқларни қўлга киритаётир. Масалан, олимлар ион нурларидан фойдаланиб, арпанинг калтапояли, ноқулай об-ҳаво шаронтига бардошли, юқори ҳосилли навини яратишга муваффақ бўлдилар. Америка Қўшма Штатларида поя ва пўстлоқ занг замбуруғларни буғдой ва сули ҳосилининг ўттиз фоизини нобуд қиларди. Олимлар нейтрон билан нурлантириш натижасида буғдой ва сулининг бу касалликка бардошли навларини яратдилар. Япониялик ҳамкасбларимиз эса 60-йиллар охирида ионлаштирувчи нурлардан фойдаланиб, шоланинг одатдагидан қирқ кун олдин пишадиган ҳосилдор «рей-рей» навини яратдилар. Шунини айтиш керакки, фан тараққий этган сари янги илмий муаммолар туғилади, фаннинг янги-янги соҳалари куртак отади.

Набижон Назиров ўша суҳбатидаёқ менда катта таассурот қолдирди. Олимнинг «Ғўзанинг физиологик ва

биохимик жараёнларига ионлаштирувчи нурлар таъсири». «Ғўзанинг ионлаштирувчи нурларга бардошлиги ва ўсимлик ирсиятига нурларнинг таъсири» деган муҳим илмий монографияларини ўқидим. Назировнинг фандаги янги соҳа — радиобиологияга 50-йиллар охиридаёқ республикада биринчи бўлиб дадил қўл урганлиги ва бу соҳада ўн икки-ўн тўрт йилдан бери жиддий илмий тадқиқотлар олиб бораётганлиги маълум эди. Радиобиологияга оид илмий журналларда унинг фикрлари Иттифоқимиз ва ҳатто жаҳоннинг етук олимлари томонидан фан учун катта янгилик сифатида эътироф этилган. СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, биология фанлари доктори, Бутуниттифоқ Биофизика институтининг бўлим мудирини А. Кузин бундай деб ёзади: «Профессор Набжон Назиров таниқли Америка олими Арнольд Сперроу илгари сурган ғўзанинг ионлаштирувчи нурларга таъсирчанлиги ғўзанинг ҳужайра ядроси ҳажмига боғлиқ, деган концепция нотўғри эканини исботлади. У ғўзанинг радиация нурларига бардошлилиги ҳужайра ядросининг кимёвий таркибига, ўсимликнинг физиологик ҳолатига, тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ деган энг тўғри илмий хулоса чиқарди. Ўзининг илмий хулосасидан ғўзанинг тезпишар, вилтга чидамли навларини яратиш йўлида оқилона фойдаланди. Бу билан олим назарий радиобиологиянинг бойишига қимматли ҳисса қўшди».

«Олимлар олдида ғўзанинг ионлаштирувчи нурларга таъсирчанлигининг назарий асосини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш вазифаси турар эди,— деб ёзади профессор С. Семержан.— Бу муҳим проблеманинг муваффақиятли ҳал этилишида профессор Н. Назировнинг хизмати катта».

Боку Давлат университети Биофизика кафедрасининг мудирини, профессор С. Ҳусайнов: «Н. Назировнинг «Ғўза физиологик ва биохимик жараёнларига ионлаштирувчи нурлар таъсири» монографиясига ғўза биоло-

гияси бўйича жаҳон адабиётида биринчи капитал асар», деб баҳо беради.

Дунёнинг турли томонларидан — Руминия, Венгрия, Чехословакия, Польша, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар олимларидан Набижон Назиров номига келган мактубларда ҳам олимнинг илмий ютуғи радиобиология фани учун муҳим янгилик эканлиги қайд этилади.

Олим фаннинг машаққатли чағир йўлини босиб ўтди. 1953 йили Урта Осиё Давлат университетининг биология факультетини тамомлагач, СССР Фанлар академиясининг Москвадаги К. Тимирязев номидаги Ўсимликлар физиологияси илмий тадқиқот институти аспирантурасига кирди. Уч йил давомида Москва физиология мактабининг етук намояндалари — шу институт директори, академик А. Курсанов, ўша институт лабораторияси мудири профессор А. Кружинин таълимини олди, совет физиология фани олдида турган муаммоларнинг моҳиятига тобора чуқурроқ тушунишга интилди.

1959 йилда ЎзССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошида радиобиология группаси тузилди. Унга шу соҳанинг тўнғич мутахассиси Набижон Назиров бошлиқ қилиб тайинланди. Бир йил ўтмай, группа радиобиология лабораториясига айлантирилди, илмий ишлар ва экспериментлар кўлами кенгайди. Набижон ака лаборатория мудири сифатида бутун куч ва имкониятларини ғўзанинг ҳар томонлама самарали навларини яратиш ишига сарфлади, ионлаштирувчи нурлардан фойдаланишдек ғоят масъулиятли муаммога қўл урди.

— Маълумки, вертицеллёз, фузариоз вилти, илдиз чириш, гоммоз, макросипориоз каби касалликлар, ўргимчаккана, шира, кўсак қурти, карадринна, беда қандаласи сингари зараркунандалар пахтачилигимизга жиддий зарар етказмоқда,— дейди олим.— Биз ана шу зараркунандаларга бардошлироқ ғўза навларини яратиш усти-

да кўп йиллардан бери иш олиб бормоқдамиз. СССР Давлат мукофоти лауреати Содиқ Мираҳмедов ўз шо-гирдлари билан ҳамкорликда ғўзанинг вилтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навларини яратди. Тўққизинчи беш йилликда бу навларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида вилт касаллиги-нинг тарқалишига маълум даражада чек қўйилди. Ле-кин эътироф этиш керакки, ҳали вилтга қарши кураш масаласи тўла ҳал этилгани йўқ. Кейинги маълумот-ларнинг кўрсатишича, «Тошкент» навларимиз ҳам маълум даражада вилтга чалинмоқда.

Вилт — ашаддий иллат. Замбуруғларининг яшаш шароити ғўзаники билан бир хил. Бунинг устига, тур-ли зараркунандаларни еб, ҳаёт кечирувчи фойдали мик-роорганизмлар ва ҳашарот, яъни биологик кушандалар заҳарли кимёвий дорилардан қирилиб кетаётир. Демак, тупроқнинг табиий мутаносиблик ҳолати бузилмоқда. Вилт замбуруғлари ва ўсимлик зараркунандалари эса аста-секин кўпайиб, муҳитга мослашиб олади. Илмий текширишлар натижасида шу нарса аниқландики, вилт касаллигини келтириб чиқарадиган микроорганизмлар-нинг, жумладан, Ўзбекистонда турли табиий шароит-ларда кўп тарқалган вертициллёз замбуруғининг турли форма-штамплари учрайди. Бу штамплар яшаш шарои-ти таъсирида доим ўзгариб туради. Натижада, уларнинг турли физиологик хусусиятга эга бўлган, баъзан тузи-лишлари бир-биридан фарқланувчи, айрим ғўза навла-рига турли даражада таъсир кўрсатадиган янги-янги формалари пайдо бўлиб туради. Ғўзанинг бирор янги навини ўстириш ва кўпайтириш даврида замбуруғнинг айни бу навларга мослашган формалари тупроқда йиғи-ла боради. Ҳозир Ўзбекистон ва Тожикистонда бу вилт-нинг физиологик хусусияти бўйича фарқ қилувчи шакл-лари аниқланган. Биз вилт касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг ғўзага мослашиш қобилиятини синч-ковлик билан кузатиб боришимиз, шу иллатга чидамли

навларни етиштириш бўйича бошланган тадқиқот ишларини кучайтиришимиз керак.

...Олимнинг иш кабинетида суҳбатлашиб ўтирардик. Гап радиация таъсирида яратилган тезпишар, вилтга чидамли, энг муҳими — барги табиий тўкиладиган янги «АН-402» ғўза навига келиб тақалганда, Набижон ака секин ўрнидан туриб, китоб жавонига қўл чўзди. Жилдига йирик қилиб «Муҳим қайдлар» деб ёзилган картон папкани олди. Ундаги белгилар қўйилган газетага секин кўз югуртириб, бамайлихотир гап бошлади:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1976 йилги «Қишлоқ хўжалик фани самарадорлигини янада ошириш ва унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида», деб чиқарган қарорида бундай дейилган: «...юқори сифатли толаси кўпайган ва механизмлар воситасида ишлов бериш ҳамда йиғиб-териб олишга мосланган, ўртача толали навларнинг потенциал ҳосилдорлиги гектар бошига 70—80 центнергача, ингичка толали навларнинг ҳосилдорлиги 40—50 центнергача етадиган тезпишар, вилтга бардошли пахта навларини чиқариш (давлат нав синовига топшириш) ниҳоясига етказилсин». Кўрдингизми, партия ва ҳукуматимиз олимлар зиммасига қандай масъулиятли вазифани юкламоқда!

— Набижон ака, «АН-402» навининг яратилиш тарихини қисқача гапириб берсангиз,— дедим мен.

— Биз янги навни етиштиришда одатдаги навларни частиштириш усули билан эмас, балки ионлаштирувчи нурларнинг таъсир кўрсатиш имкониятларидан фойдаландик. Иссиқ минтақадан келтирилган, вилтга чидамли, кўп мева тугадиган, Мексика ёввойи ғўзасининг ўттиз дона уруғи радиоактив фосфор эритмасига солинди. Бу фосфор парчаланиб, ионли нур беради. Шу ўттиз дона чигит экиб кўрилди. Бир туп ғўза мевага кирди. Иккинчи йили шу ўсимликнинг уруғи йиғиштирилиб, яна экилди. Келгуси йили ундан ўн етти туп ғўзанинг

тўққиз тупи ҳосилга кирди. 1965 йили уларнинг уруғи қайта экилди ва ундан йигирма олти туп ўсимлик унди. Шундан йигирма тўрт тупи, яъни 92 фоизи ҳосил берди. Тўртинчи йили эса экилган шу хил чигитлардан 283 туп ўсимлик ўстирилди ва уларнинг ҳаммаси ҳосил берди. Шу-шу экилган уруғ бир текис кўкара бошлади. Уларда оқ толали, вилтга чидамли, бўйи паст, кўсақлари йирик ғўзалар танланиб, чигитни вилт билан кучли зарарланган шароитда тажриба қилиб кўрилди. Хуллас, шу йил билан 1970 йилга келиб ғўзанинг йигирмага яқин янги стандарт линиялари олинди. Уларнинг биридан 1971 йили «АН-401» нави етиштирилди ва у давлат синовидан ўта бошлади. Лекин бу нав кутилган натижани бермади ва ундан чаптиштириб, бошқа навларни олишда фойдаланилди. 1972—73 йиллари юқоридаги линияларнинг биридан «АН-402» нави олинди. Бу нав тўрт йил мобайнида давлат синовидан ўтди, хўжаликларда ўстирилди.

— «АН-402» навнинг, барги табиий тўкилишидан ташқари, яна қандай афзалликлари бор?

— Афзаллиги беқиёс: нлдизи бақувват, яхши нам тўплайди, бўйи нисбатан паст, шохлари йиғиқ, кўсаги йирик, вилтга, шўрхоклик ва сувсизликка анча чидамли, уч-тўрт кўсаги очилиш билан япроғи ўз-ўзидан тўкила бошлайди. Унинг вилтга ва сувсизликка чидамли хусусиятлари ёввойи аждодидан ўтган. Ахир, ёввойи ўсимликларнинг сувсизлик ва турли касалликларга қанчалик бардошлилигини кўз олдингизга келтиринг-а. Яхшиси, сиз мана бу қоғоздаги рақамларга разм солинг.

Набижон ака шундай дея стол тортмасидан бир варақ қоғозни олиб узатди. Қоғоздаги жадвалда «Тошкент-1» ва «АН-402» навларининг уч йилда давлат синови вақтида (Избосканда) олинган иқтисодий кўрсаткичлари қиёсланган эди. 1974 йил: «Тошкент-1» навининг ҳар гектаридан сентябрь ойида 36,8, жами 52,7 центнер ҳосил олинган бўлса, «АН-402» навидан сен-

тябрь ойида гектаридан 39,9, жами 56,9 центнер пахта йиғиб олинган. 1975 йил: «Тошкент-1»дан сентябрь ойида гектар бошига 45,1, жами 48,8 центнер, «АН-402»дан сентябрь ойида 48,2 ва жами 54,4 центнер пахта олинган. 1976 йил: «Тошкент-1»нинг гектаридан сентябрь ойида 42,3, жами 43,3 центнер, «АН-402»дан сентябрь ойида 45,3 ва жами 46,9 центнердан ҳосил йиғиб олинган. Уч йиллик кўрсаткичлар бўйича янги «АН-402» нави «Тошкент-1»дан устун эди. Барги дефолиациясиз табиий тўкилиши ва ҳосилнинг машинада теришга боплиги, эртапишарлиги, вилтга чидамлилиги, ўсув даврида «Тошкент-1» навига нисбатан бир-бир ярим марта кам суғорилиши, кўсагининг йириклиги, тола сифатининг юқорилиги, яъни 5-тип тола беришлиги «АН-402» навининг хўжалик ва саноат манфаатлари нуқтаи назаридан энг истиқболлигидир.

Профессор Набижон Назиров раҳбарлик қилаётган радиобиология лабораториясининг илмий ходимлари ғўзанинг ҳали айтилган йигирма янги стандарт линиясидан 1975—1976 йилларда «АН-403», «АН-405», «АН-407», «АН-408» навларини ҳам яратишга муваффақ бўлдилар. Ҳозир бу навлар давлат синовидан муваффақиятли ўтмоқда. Избоскан ва Оққўрғон районларидаги элликта хўжаликларида эса бу навлар уруғи кўпайтириляётир.

Шу орада телефон жиринглаб, суҳбатимиз бўлинди.

— Уэр, ҳозир,— Набижон ака оҳиста трубкани кўтарди: — Ассалому алайкум, Баҳодирхон ака. Соғлигингиз яхшими? Экиш ташвишлари чарчатмаяптими?.. «АН-402» учун қайси схема маъқулроқ дейсизми? 90×10×1 тартибида жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Баҳодирхон ака, сизга бу йил қаттиқ ишонганмиз. Ахир, «Тошкент-1» навини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг биринчи ташаббускорларидан бўлгансиз. Ҳа, айтмоқчи, шу томонларга бизнинг Файзулла айланиб бормадимми? Э, ёнингиздами, трубкани берсангиз.—

Салом, Файзулла. Ишлар қалай? Қирғизистоннинг «Тошкўмир» совхози ҳам «АН-402» («АН-403», «АН-405», «АН-407», «АН-408») навларимиз уруғидан 22 тонна олиб кетибди. Эртага шу совхозга зудлик билан ўтинг. Бригадирларни, мутахассис ўртоқларни йиғиб, даланинг ўзида экиш агротехикасини яхшилаб тушунтиринг. Яна... Комилжонга айтинг, Избоскан райониغا ўтиб, Абдусамат акадан, Шарофиддин акалардан хабар олсин. Ука, аҳволни тушуниб турибсиз, ҳозир югуриб-елмасак, имкониятни қўлдан бой берамиз. Хайр, сизларга ишонаман.

Набижон ака майин кулиб, ўзини анча енгил сезган ҳолда жойига ўтирди:

— Москва районидаги «Октябрь» колхозидан. Эҳтимол, танирсиз, Баҳодирхон ака деган раис бор. Қадрдонмиз. Деҳқончиликни ипидан-игнасигача билади. Билими кучли, манман деган олимлар билан баҳслашади. Янгиликка дадиллик билан қўл урадиган раҳбарлардан. «Тошкент-1» нави ҳам Москва райониغا шу колхоздан йўлланма олган. Умуман, Фарғона водийсида сермулоҳаза, бугунги кун талабларини теран тушунадиган хўжалик раҳбарлари кўп. Мана, Избоскан районидаги Партия XX съезди номидаги колхоз раиси Абдусамат Тиллабоевни олинг. Шу хўжаликни бошқараётганига ўттиз йилдан ошди. Бизнинг «АН-402» навимиз ҳам синовдан шу колхозда ўтди. Хўжалик бу йил 200 гектар майдонга янги навдан экди. Шу райондаги Шарофиддин Сайфиддинов бошчилик қилаётган Охунбобоев номидаги колхозда ҳам янги навдан шунча майдонга уруғ ташланди. Илмий ходимимиз Файзулла Жониқуловдан ҳозир Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармасининг уруғчилик бўйича агрономи Комилжон Абдувоҳидовнинг Избосканга ўтишини илтимос қилганимнинг боиси ҳам шунда.

Олим раҳбарлик қилаётган лаборатория илмий ходимларининг кучи билан яратилган «АН-402» нави 1977

Йилда Бухоро область Свердлов районининг Свердлов колхозида, Хоразм область Урганч районининг Калинин номидаги колхозида ҳам экилди. Хуллас, самарали янги навнинг эллик олти тонна уруги ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ерга тушди. Натижа жуда яхши бўлди. «АН-402» нави 1978 йилдан бошлаб Андижон областида районлаштирилди. Шу навнинг уругидан Андижон ва Бухоро областларида 5 минг гектарга экилди. Ҳа, «АН-402» нинг парвози бошланди.

— Фарғона водийсидаги раҳбар ўртоқлардан кўнглимиз тўқ,— дея гапни давом эттирди Набижон ака.— Бу ерда деҳқончилик маданияти ҳам, раҳбарлик услуби ҳам юқори даражада. Тағин ўзи шу водийдан, яъни ўшлик бўлгани учун шундай деярли, деб ўйламанг. Отам оми, оддий йилқибоқар эди. Тошкент уёқда турсин, Уш билан Андижонни ҳам тузукроқ кўрмаган. Мана, замон-замон бўлибдики, бир йилқибоқарнинг ўғли олим бўлиб, эл назарига тушибди. Бу мен учун катта бахт, албатта...

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида истеъдодли ўзбек олимнинг ақл-заковати билан янги ғўза нави ҳаётга йўлланма олди. Бу — Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Набижон Назировнинг эмас, балки совет пахтачилик фанининг, қолаверса, бутун ўзбек деҳқонининг улкан ютуғидир.

Олим билан суҳбатимиз ниҳоясида пахтачилик фани муаммолари хусусида сўзлашдик. Набижон ака бу масалаларни содда ва қизиқарли қилиб сўзларкан, мен гўё эртаси эшитгандек, фикри-хаёлим унинг гапларида эди:

— Олимларимиз яқин беш-ўн йил ичида ғўзанинг ўн-ўн беш кун эрта пишадиган навини яратишлари лозим. Пахтанинг эртапишар нави эндиликда фақат биологик муаммо бўлибгина қолмай, балки катта ижтимоий масалага айланди. Кўп узоққа бормай, 1976 йил кузини эс-

ланг. Об-ҳаво шароити ғоят ноқулай келди, олтин билан тенг дурдонамиз ёмғир-қорда қолиб кетди, совуқ жуда эрта тушиб, ҳосил пишиши чўзилди. Хабарингиз бор, пахтани декабрь ойи охиригача теришга мажбур бўлдик. Бу ишда ўқувчилар, студентлар, ишчилар, қўйингки, бутун шаҳарликлар қатнашдилар. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Гоҳо баъзиларнинг оғзидан: «Ўқувчи, студентларни теримга чиқармаймиз, дейишади-ю, лекин бунга амал қилишмайди-да», деган писанда гапларни эшитасан киши. Тан олиш керак: шундай йўл тутишга аҳволнинг танглиги, вақтнинг зиқлиги сабаб бўлмоқда. Албатта, келгусида яратилажак тезпишар нав айни вақтда вилт каби ашаддий иллатларга чидамли, сувсизликка бардошли ҳам бўлиши керак. Бу — Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон шароити учун муҳим муаммо. Шу жиҳатдан янги, «АН-402», «АН-403», «АН-405», «АН-407», «АН-408» навларимиз ғоят самарали. Бу навлар бошқа навларга қараганда ўсув даврида бир-бир ярим марта кам суғорилади. Сувни деҳқончиликда меъёридан ортиқ ишлатиш ҳам, кам ишлатиш ҳам зарарли. Бир қатор хўжаликларда кузда — йиғим-терим даврида «ҳосил етилади» деган андиша билан пайкални бир-икки, ҳатто уч мартагача кўллатиб суғордилар. Ахир, бу зарар, айниқса, шўрхок ерларда, ҳар қандай сувда маълум миқдорда туз бор, у тупроқда ўтириб, тузни кўпайтиради. Шунингдек, ғўзани суғоришда ҳам тежамкорликка етарли эътибор бермаймиз. Бир пайкалда ғўза сувсизликдан шона тўкиш ҳолида бўлса, қулоқ бошига яқинроқ пайкалдаги экинлар кўллатиб суғорилади. Демак, пахтачиликда турли зоналарнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғоришнинг мўътадил системаларини ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Яна бир муҳим гап — бу ғўза барги масаласи. Ғўза барги таркибида 12 фоиз лимон ва олма кислотаси бор. Шундай бўлгани ҳолда саноатда бу кислоталар қимматли хом ашё — тамакидан олина-

ётир. Чой барги ғўза баргидан уч барабар кичик, лекин шундай бўлса-да, масалан Грузияда минглаб гектар майдондаги чой плантацияларидан унинг барги машиналарда йиғиштирилиб олинмоқда. Нега энди махсус мосламалар ёрдамида уч-тўрт кўсак очилиши билан ғўза баргини кўклигида йиғиштириб олиш мумкин эмас? Бу, биринчидан, муҳим хом ашё, қолаверса, чорва учун тўйимли озуқа, бунинг устига вилт замбуруғлари ҳам кўпроқ ғўза баргида «макон» қуради. Менинчга, ғўза баргини йиғиштириб оладиган машиналарни яратишга инженер-конструкторларимиз бел боғлайдиган вақт аллақачон етди. Пахтачиликдаги яна бир муҳим муаммо — бу экинзорларга солинадиган азот ва фосфор ўғитларининг мутаносиблиги, самарадорлик масаласи. Табiiйки, ерга азотнинг фосфорга қараганда кўп берилиши пахта толаси ва ёғ сифатини бузмоқда. Ҳар йили ерга солинадиган фосфорнинг атиги 15—20 фоизини ўсимлик ўзлаштиради, қолган қисми тупроқда кальций билан бирикиб, ўзлаштирилмайдиган шаклга айланади. Илмий текширишлар тупроқдаги фосфор миқдори юз йилга ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ муддатга етишини кўрсатади. Вазифа — уни ўзлаштириладиган шаклга айлантириш. Масалан, тупроқда гумус миқдори оширилса ёки ерга микроэлементлар, органик кислоталар солинса, фосфорнинг ўзлашишига имкон яратилади. Икки оғиз сўз ғўза баргини дефолиация қилиш хусусида: бу тадбирни ғоят эҳтиётлик билан тўғри ва меъёрида ўтказиш керак. Уни эрта ҳам, кеч ҳам ўтказиш фойдасиз. Ҳатто дозани ортиқ бериб, дефолиация эмас, балки десикация қилиш ҳоллари ҳам учраётир. Қайси бир йили Сирдарё областининг бир қатор хўжаликларида шу нарса юз берди. Бу — тирик организм учун жуда катта хавф туғдиради. Қолаверса, ғўза барги ва кўсакни куйдириб юборади. Баъзи хўжалик раҳбарлари «десикация ҳосилнинг пишишини тезлаштиради», деб ўйлайдилар. Бу хавфли ва зарарли. Чунки пахта толаси ва ёғ сифати кескин пасайиб кетади.

Ахир, бугунги кунда пахта ёғи муҳим озиқ-овқат маҳсулоти-ку?! Ниҳоят, алмашлаб экиш ва уруғчилик масаласи. Пахтачиликда алмашлаб экишнинг энг оптимал схемаларини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш фан олдида турган муҳим вазифалардан. Уруғчиликнинг аҳволи ҳам дуруст эмас. Баъзан, ҳатто вилтга чалинган пайкаллардан ҳам уруғ олинаётир. Ёки бўлмаса, бир хил тупроқ-иқлим шароитида етиштирилган уруғ иккинчи хил шароитда ҳам экилаваради ва у кутилган натижани бермайди. Эндиликда уруғ етиштириш ишларини концентрациялаш, хўжаликларни уруғчилик бўйича ихтисослаштириш, бу ишда навлар ичра чатиштириш усулидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Пахтачиликда етилган бу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун барча илмий тадқиқот муассасалари ва илмий ходимларнинг умумий ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак. Табиийки, бунда бир қанча ташкилий ишларни ҳам амалга ошириш, айниқса, етук кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

Олим қишлоқ хўжалик фани истиқболларини ҳикоя қилар экан, бу муаммоларга СССР Фанлар академияси Радиобиология проблемалари кенгаши аъзоси, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё филиали Пахтачилик секциясининг раиси сифатида алоҳида масъулият ҳис қилаётганлиги сезилиб турарди. Ҳа, рўпарамда олимлик бурчига чексиз содиқ, фақат совет пахтачилиги учун эмас, балки жаҳон миқёсида давр даъвати билан тақозо қилинаётган бу муаммоларни ечишда фаол иштирок этаётган етук, тафаккур мезони кенг совет олими ўтирарди. Суҳбатдошим гап орасида қўлимга ўзининг «Фан ва пахта» деб номланган янги йирик монографиясини тутқазди. Бу китобда пахтачилик тарихи ва унинг келгуси истиқболлари назарий асослаб берилганди. Замондошимнинг фан истиқболлари борасидаги мазмунли ҳикояси қалбимни ифти-

хор ҳисси билан тўлқинлантирарди. Шу дам беихтиёр ўнинчи беш йилликда пахтачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган юксак рақамлар ҳаёлимдан ўтарди: «1980 йилга бориб мамлакат бўйича 9 миллион, Ўзбекистонда эса 6 миллион тонна пахта етиштирилиши керак».

Набижон аканинг ҳикоясидан сўнг бу рақамнинг қанчалик реаллигини яққол тасаввур қилдим. Олим билан хайрлашиб кўчага чиқдим. Бутун ҳаёлимни Набижон акадан ҳозир эшитган фикрлар, ўйлар чулғаб олган эди: олтмиш бир йил. Оқсоч тарих учун ҳеч гап эмас, лекин замон, фан-техника, айниқса, инсоннинг тафаккур дунёси жуда жадал тараққий этмоқда. Бу — Улуғ Октябрь бошлаб берган янги давр шиддати, шу даврда туғилиб, камолга етган авлод коммунизм насли ақл-заковатининг қудрати. Ҳар бир совет кишисининг қалби шу қудрат тўлқинига туташ.



ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

1977 йил. 25 август. К. Ворошилов номидаги Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг кенг ҳовлиси байрам тусини олган: шиорлар, транспарантлар кўзни яшнатади. Махсус майдончада завод цехидан эндигина чиққан пахта териш машиналари саф тортиб турибди. Бугун заводга республика партия ва ҳукумат раҳбарлари, донгдор механизаторлар келганлар, шаҳар жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли конструкторлар, меҳнат ветеранлари, ишчилар йиғилган. Минбарда завод ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, ҚПСС XXV съезди делегати Маҳмуд Мўйдинов:

— Ўртоқлар, бу кун заводимиз тарихида унутилмаб бўлиб қолади! Шу йилдан юқори қувватли МТЗ—80Х тракторига ўрнатиладиган янги пахта териш машиналари ишлаб чиқара бошладик. Бу илгариги машиналарга қараганда яна ҳам унумли, уни бошқариш жуда қулай. Биз юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларимизга самимий ёрдам бердик, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Машҳур механизатор Турсуной Охунова сўз олади. У механизаторлар учун ажойиб машиналар ишлаб чиқараётган ишчи ва конструкторларга самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Шундан сўнг 25 та янги машинанинг калитлари таниқли механизаторларга топширилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тўлан Дадажонов, Пардагул Рўзимова, СССР Олий Советининг депутаты Энвер Алиев каби механизаторлар янги машиналар рулини тутадилар.

Оркестр садолари ва йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари остида машиналар колоннаси ўрнидан жилади. Янги машиналар завод ҳовлисида тўғри далага — кенг пахтазорлар томон йўл олади...

Завод ишчиларининг янги машиналарни пахтакор механизаторларга топшириш тантанаси кўндан буён Ўроқ ва Болға иттифоқининг, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мустақкам ҳамкорликнинг рамзига айланган.

Ўзбекистон механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Тошкент область Чиноз районидаги Киров номи колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной Охунова номига йўллаган мактубини партия ва ҳукуматимизнинг оташин чақириғи сифатида қизғин кутиб олиб, юбилей йили — 1977 йилда юксак хирмон кўтардилар. Мактубдаги: «Сиз машиналардан фойда унумли фойдала-

ниш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти, деб тўғри қайд қилгансиз. Машина тери ми далаларда фаол қўлланилаётганлиги ва пахтакор ларнинг оғир меҳнати енгиллашиб бораётганлиги қу вончли бир ҳолдир», деган сўзлар яққол исбот қи линди.

Совет халқи бундай юксалишга Улуғ Октябрь со циалистик революцияси шарофати билан эришди. Бу тарихий ҳақиқат КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғ рисида» деб чиқарган қарориди қуйидагича қайд эти лади: «Октябрь Ватанининг 60 йил мобайнида қўлга киритган муваффақиятлари социализм жамият ҳаёти нинг барча соҳаларида тарихда мисли кўрилмаган юк салиш суръатларини таъминлаганлигини яққол исбот қилди».

Дарҳақиқат, мана, биргина пахтачилик тараққиёти ни олайлик. Пахта мустақиллиги учун кураш ёш совет давлати иқтисодий сиёсатида муҳим босқич эди. Сано ат учун қимматли хом ашёни етарли даражада етиш тириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини, энг му ҳими, унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга ёрдам берди. Шунинг учун ҳам совет ҳокимияти даст лабки йиллардаёқ мамлакатда пахтачиликни ривожлан тириш масаласини қатъий қилиб қўйди. Бунда даставвал иссиқ иқлимли районларни, хусусан, Туркистон ўлкаси ни пахтачилик зонасига айлантириш кўзда тутилди. Доҳиймиз В. И. Лениннинг 1918 йилда Мирзачўл ерла рини ўзлаштириш учун 50 миллион сўм пул ажратиш ҳақидаги декретга имзо чекиши катта сиёсий ва иқ тисодий аҳамиятга эга эди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган 1924 йилда респуб ликамызда 208 минг гектар майдонга пахта экилган. Бу майдон 1932 йилга келиб бир оз кенгайтирилди. Шу йили республикамызда 804 минг тонна пахта етишти рилди. Мамлакатимиз пахта мустақиллигига эришди,

энди четдан пахта сотиб олиш ўрнига, хорижга пахта чиқариш имкониятига эга бўлдик.

804 минг тонна. Бу рақамни республикамиз пахтачилегининг бугунги салмоғи билан қиёсласак, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий қудратини, фидокор пахтакорларимизнинг мислсиз жасоратини янада чуқурроқ ҳис этамиз.

Партия ва ҳукуватимиз деҳқон меҳнатини тубдан енгиллатиш, пахта теримидек оғир меҳнатни машиналаштиришга пахтачиликни комплекс механизмлаштиришнинг муҳим узвий қисми сифатида жиддий эътибор бериб келмоқда. Ҳар бир янгиликнинг, шунингдек, пахтачиликни механизмлаштиришнинг ҳам ўз тарихи бор. Бу тарих ишчи-деҳқон иттифоқи тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Мамлакатимиз пахта териш машинасини яратишга биринчи бўлиб конструктор А. Прохоршиков киришди. У 1929 йилда «В. Островский» терим машинасини яратди. Машинада пахта олдин сепараторга, ундан кейин бункерга ўтарди. Машинага бир неча киши хизмат қиларди.

Пахта теримини машиналаштиришда чет эл тажрибаларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинди. Уттинчи йилларда америкалик конструктор Жон Турман яратган сўргич насосли «Турманвакуум» системасидаги машина республика пахтазорларида ишлатиб кўрилди. Кишилар машина шлангларини кўтариб юриб, уни очилган чаноқларга тўғрилашар ва шланглар ҳаво ёрдамида пахтани «сўриб» олар эди.

1933 йилда конструктор И. Кашчинов яратган машинанинг иш унуми нисбатан юқорироқ эди. Орадан тўрт йил ўтгач эса, бир қаторли ва тиркалма «ХА» маркали машина ихтиро қилинди. 1938 йилга келиб икки қаторли «ХЗ» маркали машина ишга туширилди. Афсуски, уруш бошланиб, пахта теримини машиналашти-

риш бўйича олиб борилаётган ишлар орқага сурилиб кетди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги мамлакат иқтисодини тезроқ тиклаш учун пахтачиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эди. Албатта, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини техника, механизациясиз тараққий эттириш мумкин эмасди. КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати шу хусусда астойдил ғамхўрлик қилдилар. 1946 йил 2 февралда Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи қошидаги конструкторлик бюроси ва Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали заминда пахта териш машиналари бўйича Махсус давлат конструкторлик бюроси (МДКБ) ташкил этилди. Шундай қилиб пахтачиликни комплекс механизлаштириш билан кенг шуғулланиш имконияти яратилди. Конструкторлик бюроси базасида 1948 йили М. Марков бошчилигида бир гуруҳ конструкторлар «СХМ-48» маркали бир қаторли осма вертикаль шпинделли пахта териш машинасини яратдилар. 1950 йилда Г. Волков, М. Марков, Л. Розенблум, В. Нехорошов, Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг директори Г. Низовой ўртоқлар бир қаторли пахта териш машинасини конструкция қилганликлари ва уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйганликлари учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Махсус давлат конструкторлик бюроси конструкторлари ва мутахассислари янада мукамалроқ пахта териш машинасини яратиш йўлида тинмай иш олиб бордилар. Натижада 1958 йили «ХВС-1,2» пахта териш машинаси майдонга келди. 1961 йилда эса «ХТ-1,2» маркали икки қаторли осма вертикаль шпинделли пахта териш машинаси ихтиро қилинди ва 1964 йилдан ишлаб чиқарила бошлади. Бу машинанинг иш унуми «СХМ-48»га нисбатан 2,2 марта, «ХВС-1,2»га қараганда 30 фоиз ортиқ эди.

1967 йилда икки қаторли вертикаль шпинделли машинани яратиб, уни ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун конструкторлардан П. Глазатов, В. Тютков, М. Марков, А. Приходько ҳамда синовчи механизаторлар Т. Охунова ва Ж. Қўчиев Ленин мукофоти билан тақдирландилар.

Махсус давлат конструкторлик бюросида бу соҳадаги ишлар яна давом эттирилди. Кейинги ихтиролар заминида А. Приходько, П. Глазатов, Г. Горобец, Я. Кетько ва бошқа конструкторлар «14-ХВТ» маркали тўрт қаторли терим машинасини яратдилар. Кейинчалик бу машина синовдан муваффақиятли ўтди ва «Ўзбекистон» номини олди.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган талаблар ва пахтачилик технологиясини такомиллаштириш соҳасидаги ўзгаришлар конструкторлар, мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунини чуқур ҳис қилган Махсус давлат конструкторлик бюроси ихтирочилари Ўрта Осиё Механизмлаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари Д. Шполянский, В. Горн ва бошқалар билан ҳамкорликда уруғлик пахтани хиллаб терадиган «ХВА-1,2», «ХВБ-1,8» маркали машиналарни, шунингдек, ингичка толали пахтани теришга мўлжалланган «ХВН-1,2А» маркали машинани ихтиро қилдилар. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи уларни ишлаб чиқаришга киришди. Унингчи беш йиллик охирига бориб, ингичка толали пахта терадиган ва янада мукамал «ХВН-1,8» маркали машина ишлаб чиқарилди.

Пахта теримини машиналаштириш истиқболи билан қизиқиб, Техника уйида Ўзбекистон ССР Илмий-техника кенгашининг илмий секретари, техника фанлари кандидати Мирасқар Маҳмудов билан учрашдик.

— Пахта териш машиналари бўйича Махсус давлат конструкторлик бюросида машиналарни модернлаштириш йўли билан уларни янада такомиллаштириш

устида катта ишлар қилинаётир,— деди М. Маҳмудов.— Хабарингиз бўлса керак, М. Ҳрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги илмий-тадқиқот институтининг машина ва механизмлар назарияси лабораториясида бир неча йил бурун иқтисодий жиҳатдан самаралироқ составли шпиндель яратилган эди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида йилига 59 миллион сўм иқтисод қилинмоқда. Энди пахта териш аппаратлари назарияси лабораторияси олимлари уни яна ҳам такомиллаштиришни давом эттирмоқдалар. МДКБ конструкторлари билан ҳамкорликда составли шпинделнинг яна бир неча вариантларини ишлаб чиқдилар. Сиз қизиқаётган масала бўйича батафсил маълумот бера оладиган олимлардан бири Игорь Петрович Великийдир. У Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмасида бош инженер бўлиб ишлайди. Шу йил пахтачиликни механизмлаштириш ишлари билан қизиқиб, АҚШга ҳам бориб келди.

«Составли шпиндель» деган иборани олдин ҳам эшитганман, газеталарда учратганман. Лекин Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтига бориб, тегишли мутахассис-олимлар билан гаплашмагунча бу иборанинг моҳиятини аниқ тасаввур қилолмасдим. Пахта териш машиналари аппаратлари назарияси лабораториясида шу шпиндель ижодкорларидан бири, техника фанлари кандидати Қўрқмас Иноғомов уни менга батафсил тушунтирди.

— Составли шпиндель дегани мана бу,— дея стол тортмасидан устига тишли пўлат тасма ўралган тўрт қиррали темир ўқни чиқариб столга қўйди.— Лабораториямизнинг бутун коллективи шуни такомиллаштириш, чидамлилигини ошириш устида иш олиб боряпти.

— Составли шпинделнинг одатдаги шпинделлардан афзаллиги нимада? — дея ишнинг енгил кўчаётганини сезиб савол бердим. Суҳбатдошим ҳалиги шпинделни

кўргазма қуроли қилиб, яна қандайдир шакл ва чизмаларни столга ёйиб, тушунтира бошлади:

— Шпинделларнинг ишлаш жараёнида кўкариб, «кўк тирноқ» ҳосил қилишини йўқотиш ҳозир ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Одатдаги шпинделларда тиш пўлат ўқнинг ўзидан чиқарилган, ишлаш жараёнида тез кўкариб, ҳар икки соатда шланг билан ювиб туришни талаб қилади. Табиийки, бунинг учун машина ишдан тўхтатилади ва даладан четга чиқарилади. Демак, вақт бекорга кетади. Биз ЎзФА мухбир-аъзоси, профессор Х. Усмонхўжаев раҳбарлигида самаралироқ шпиндель яратишга киришдик. Дастлаб бу ғоя назарий жиҳатдан ҳар хил чизмалар асосида ишлаб чиқилди. Кейин МДКБ конструктори Н. Барьер билан ҳамкорликда иш кўрдик. Хуллас, 1972 йилда мана шу составли шпинделни яратдик. Кўриб турибсизки, унинг тишлари ўқ устига қопланган тасма пўлатдан чиқарилган. Икки-уч йилдан бери шундай шпинделлар ўрнатилган пахта териш машиналари унумли ишламоқда. Бу шпинделлар ҳар смена охирида бир марта ювилади, унинг иш унуми одатдаги шпинделларга қараганда хийла ортиқ. Лабораториямизда шпинделлар системасини яна ҳам мукамаллаштириш соҳасида изланишлар давом эттириляётир. Масалан, шовқинни камайтириш, айниқса, шпинделлар зангламаслиги учун унинг ўқига пластмассадан қоплама ўрнатилди. Бундай шпинделлар ҳам айни вақтда дала шароитида синаб кўриляётир.

— Шу муаммони сал кенгроқ шарҳлаб берсангиз.

— Маълумки, ҳозир пахта териш машиналаридан фойдаланиш муддати беш-олти йил,— дея гапида давом этди олим,— шу муддатни камида саккиз-тўққиз йилга етказиш мумкин эмасми, деган масала биз олимларни ҳам, мутахассисларни ҳам қизиқтирмоқда. Машина механизмларининг мустаҳкамлигини ошириш соҳасида ҳам анча-мунча ишлар қилинаётир. Ёқлашга тай-

ёр турган ёш олимларимизнинг диссертацияларида ҳам шу масалага оид муҳим томонлар тадқиқ қилинган.

Институтда яқинда Ғўза парвариши ва пахта теринини машиналаштириш проблемалари лабораториясининг очилиши айтилган муваффақ бўлди. Янги лабораторияга таниқли конструктор, биринчи пахта териш машинасининг ижодкорларидан бири Л. Розенблюм раҳбарлик қилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз фанни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини тобора кенгайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кўпроқ жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Фан ва техникадаги революция,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездидаги ҳисобот докладыда,— хўжалик фаолияти услуги ва методларини тубдан ўзгартиришни, қолоқлик ва мутаассибликка қарши кескин кураш олиб боришни, фанга чинакам ҳурмат билан қарашни, фан аҳли билан маслаҳатлашиш, ҳисоблашиш маҳорати ва истагини талаб қилади». СССР Конституциясининг 21-моддасидаги: «Давлат халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, уни илмий ташкил этиш тўғрисида, оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш, кейинчалик бутунлай тугатиш тўғрисида ғамхўрлик қилади», деган ғоят муҳим сўзлар республикамиз олим ва ихтирочиларига янги масъулият юклайди.

Бугунги кунда илмий муассаса, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва хўжалик раҳбарлари масалага худди шу нуқтаи назардан ёндашишлари лозим.

Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг тегишли лабораториялари ишлари билан танишиб бўлгач, ўртоқ И. Великий билан учрашдик.

— Эсимни таниганимдан буён темир-терсак ичида юриб, темир-терсак билан муомала қиламан,— деди у

кулиб.— Аввал Тошкент Трактор йиғув заводида, кейин эса, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида ишладим. Замон зайли билан олим бўлиш истаги туғилди. Амалий тажрибалардан келиб чиқиб, «Пахта териш машинаси шпиндель параметрлари тадқиқи» мавзуда диссертация ёқладим.

— Уша ишингизда қандай илмий хулосаларга келгансиз? — гап орасида савол ташладик.

— Шпинделларнинг одатдаги параметрлари 24 миллиметр. Параметрларнинг 32 миллиметр бўлиши нисбатан самаралироқ, деган хулосага келдим. Ҳозир бу назарий тавсия ишлаб чиқариш шароитида давлат синовидан ўтмоқда. Назаримда, натижа ёмон бўлмайди.

— 1977 йилда АҚШда бўлибсиз. У ерда пахта термини машиналаштириш қандай аҳволда?

— Пахта териш машинаси ҳозир жаҳонда икки мамлакатда — СССРда ва АҚШда ишлаб чиқарилади. Америкада пахта териш машиналарини яратишга ўтган асрнинг иккинчи ярмида киришилган. Уларда биринчи машина 1850 йилда яратилган. Ҳозир Америкада олти хил системада машиналар бор. Шулардан горизонтал шпинделли «Жон-Дир-9900» энг самаралиси. Биз шу машина ишлаб чиқариладиган Жон-Дир фирмасида бўлдик, уларнинг ишлари билан қизиқдик, айти вақтда ўз тажрибаларимизни ҳам гапириб бердик. Муҳими шуки, икки томон ҳам пахтачиликни машиналаштириш соҳасидаги тажрибаларини умумлаштириш истагини билдирди. Шу йил 10 октябрдан 15 октябргача Тошкентда— Ўрта Осиё Машина синаш станциясида пахтачиликни механизмлаштириш масалаларига бағишлаб Совет-Америка халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

— Совет-Америка пахта териш машиналарининг биридан афзалликлари хусусида фикрингиз қандай?

— Машиналаримизнинг Америка машиналаридан устун томонлари кўп,— деди Игорь Петрович.— Биздан йигирмадан ортиқ давлат машина сотиб олади. Пахта

териш механизмларимизнинг ҳаммаси осма, яъни МТЗ тракторига ўрнатилган. Терим мавсумидан бошқа вақтларда бу мосламаларни олиб қўйиш, тракторнинг ўзидан эса бошқа хўжалик ишларида фойдаланиш мумкин. Америка машинаси эса бунга мосланмаган. Агар «ХН-3,6» машинамизни Американинг «Жон-Дир-9900» машинаси билан қиёслайдиган бўлсак, бизникининг иш унуми 1,4 марта юқори, бир машинани тайёрлашга кетган металл-материаллар 56 фоиз ва шу машина учун талаб қилинадиган қувват эса 55 фоиз кам. Машинанинг қиммати эса уларникига қараганда 4—4,5 марта арзон. Тўғри, уларникининг ҳам баъзи афзалликлари бор. Масалан, пахта териш машиналари зоналарга мослаб конструкция қилинган. Жанубий зоналар учун тўрт қаторли кўрак терадиган машина, лалми ерлардаги пахтани йиғиштириш учун механизмларининг иш қамрови кенроқ «Слединг» маркали терим машинаси мавжуд.

Фурдатдан фойдаланиб, Игорь Петровичнинг яна икки масала бўйича фикрини билгим келди. У билан учрашишимдан олдин МДКБ бошлиғи ўринбосари В. Финянини составли шпинделга оид икки хатни менга кўрсатган эди. Бу хатнинг бири «Ўзсельхозтехника» томонидан Тошкент Қишлоқ хўжалиғи машинасозлиғи заводи директори номига йўлланган бўлиб, составли шпинделларни конкрет илмий тавсия йўқлиғи учун ҳали ингичка толали пахтани терадиган машиналарга ўрнатиб бўлмайди, унинг тола сифатига шикаст етказиши мумкин, деган мазмунда эди. Завод директори эса мазкур хатни «Бу масалада сизларнинг фикрингиз қандай?» мазмунидаги илова билан МДКБ мутахассисларига жўнатади.

— Игорь Петрович, составли шпинделни ингичка толали пахта терадиган машиналарда қўллаш ҳақида қандай фикрдасиз?

— Составли шпинделни ингичка толали пахта теришга мўлжалланган машиналарга бемалол ўрнатса

бўлади, толасига шикаст етказмайди, — деди у жиддий. — Шу вақтгача составли шпинделли машиналардан 200 дан ортиқроғи ишлагилди, иқтисодий самараси яхши. 1977 йилда янғидан 500 таси ишлаб чиқарилди. Лекин терим машиналари ва унинг механизмларини янада такомиллаштириш масалалари билан бир неча муассаса шуғулланмоқда, уларнинг ишини уйғунлаштириб турадиган ташкилот йўқ. Масалан, Механика ва иншоотлар сейсмик мустақкамлиги илмий тадқиқот институти Ўзбекистон Фанлар академиясига, Ўрта Осиё Машина синаш станцияси «Союзсельхозтехника»га, МДКБ СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмасига, Ўрта Осиё Механизмлаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти эса Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига қарайди ва ҳоказо. Бизнингча, шу илмий ва ишлаб чиқариш муассасаларининг ишларини координация қиладиган Иттифоқ миқёсидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилса, айти муддао бўларди.

МДКБ ўттиз йилдан ошиқроқ фаолняти давомида 116 хил машина конструкция қилди ва ишлаб чиқаришга топширди. Конструкторлик бюроси фақат тўққизинчи беш йилликда 33,4 миллион сўм иқтисодий фойда келтирди. Муассасада 1977 йилнинг 1 январигача ихтирочилик ишлари учун 574 та авторлик гувоҳномаси олинди. Шундан ҳозиргача 140 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу ишларда машҳур конструкторлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган инженер А. Арзуманян, В. Асцатуров, Л. Басеевич, И. Бекмуротов, Л. Золотаренко, С. Чечель ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи Н. Барьер, Г. Горобец, Я. Кетко ва В. Куценко ўртоқларининг муносиб ҳиссалари бор.

— Мавжуд терим машиналарининг қайси механизмларини такомиллаштириш соҳасида кўпроқ иш олиб бо-

рилаётир? — деб МДҚБ бошлиғи ўринбосари В. Финянинга мурожаат қилдим.

— Бу борадаги конструкция ишларининг кўлами кенг, — деб жавоб берди Владимир Дмитриевич. — Шуллардан баъзиларини айтиб ўтаман. Ҳозирги машиналарнинг бункер сизими нисбатан чоғроқ. Шунинг учун унга автомаг шиббалагич ўрнатилади. Шунда кўпроқ пахта кетадиган бўлади. Шпинделларнинг ишлаш жараёнидаги кўкаришни эса ихчам тозалагич қўллаш билан йўқотиш кўзда тутилмоқда. Терим пайтида пахтанинг бир қисми машина транспорт «даҳлизи»да йиғилиб қолар эди. Конструкторларимиз бу нуқсонни ҳаракатлантирувчи айланма таглик қўйиш орқали бартараф қилишни маъқул топдилар. Шунингдек, машиналарни уруғлик пахтани хиллаб турадиган қилиб такомиллаштириш ҳам ниҳоясига етмоқда. Чигит шикастланмаслиги учун машина ғилдираги ва вентиляторнинг паррақларига пластик қопламалар ёпиштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Айни вақтда болтсиз ва мукамалроқ пахта сўрғич аппаратлари ҳам синаб кўрилаётир. Конструкторлик бюроси коллективи бу ишлар билан бир қаторда ҳар томонлама мукамал конструкцияли ва юқори қувватли ўзиюрар универсал машина яратиш устида жиддий иш олиб бораётир. Ун биринчи беш йиллик охирига бориб ана шундай машпага, албатта, эга бўламиз. .

1976 йилда республикада «зангори кема»ларнинг шарофати туфайли 100 миллион иш куни тежалди. Заҳматкаш ихтирочиларимиз изланишда давом этарканлар, машиналаримизнинг эртаси янада порлоқ. Ҳа, яқин келажакда қўл теримининг ўтмишга айланиб қолиши-шакшубҳасиз.



ЧУҚҚИГА СУҚМОҚЛАРДАН ЧИҚИЛАДИ

Ҳар гал Совинформбюронинг аҳборотини эшитганда Ҳадичанинг юраги орқага тортиб кетарди: «Москва хавф остида. Душман тобора шаҳар остонасига яқинлашиб келмоқда...»

«Армиямиз душман хуружини қайтара олармикин... Қизим Ҳанифанинг аҳволи не кечяпти?» Унинг бутун хаёлини шу ўй ва ғамлар чулғаб олган эди. Ҳадича чидаб туролмади. Поездга ўтириб, узоқ Каттақўрғон шаҳридан Душанбага — у ердаги синглизис Шарифа Фозилова ҳузурига йўл олди. Бу вақтда Шарифа партия ходимаси сифатда масъул лавозимда ишларди.

— Шарифахон, синглим, сизнинг ёнингизга мадад сўраб келдим,— Ҳадича ҳол-аҳвол сўрашгач, илтижо билан гап бошлади.— Ҳар куни радиони эшитиб турибман, вазият қалтис. Москвадан заводлар, ўқув юртлари бошқа жойларга кўчирилаётганмиш. Жиянингиз Ҳанифа ўқиётган институтни ҳам бирор томонга кўчириб юборадими... Яхшиси унга тезроқ хат ёзсангиз, йўлини биласиз, сиз ёзсангиз тезроқ етади. Ўқишини ташлаб, Каттақўрғонга қайтсин. Уруш тугаб, замон омон бўлганда кейин давом эттирар.

Шарифа опасининг қистови билан 2-Москва Медицина институтида (ҳозирги Н. И. Пирогов номидаги Медицина институти) ўқиётган жияни Ҳанифага хат ёзди. Орадан йигирма кунлар ўтгач, ундан жавоб келди. Мактуб жуда қисқа эди: «Биз комсомоллар Москвани ташлаб кетсак, унда Ватанимиз юраги бўлган муқаддас шаҳарни душмандан ким ҳимоя қилади!.. Холажон, яхшиси сиздан илтимос, онамга оғир кунда мадад бўлиб туринг».

Ватан, бутун мамлакат тақдири қил устида турган оғир вазиятда медицина институтининг биринчи курсида ўқиётган ўн саккиз яшар ўзбек қизининг қалби ҳам совет кишиларининг ўз Ватанига бўлган мислсиз садоқат, тажовузкор душманга нисбатан чексиз нафрат туйғуси билан ҳамоҳанг эди.

— Ойим оналик меҳри билан хатарли кунларда мени қизганиб, Москвадан қайтишимни илтимос қилган бўлса-да,— Ҳанифа Нуриллаевна ўша йилларни бир-бир эслаб вазмин ҳикоя қиларди,— Москвага меҳрим кучли эди. Нега десангиз, отам 1939 йилда Қизил профессура институтини тамомлаб, шу жойда — Бутуниттифоқ маданий алоқалар жамиятида (ВОКС) масъул ишга қолганди. Еттинчи синфни тамомлагач, у мени ҳам «Москвада ўқиб, кўзи пишсин», деб ўзи билан бирга шу шаҳарга олиб келганди. Шаҳардаги 172-ўрта мактабда ўқидим. Кейин 2-Медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. Шу орада уруш бошланиб қолди. Бутун мамлакатда бўлгани сингари Москвада ҳам ҳамма нарса ҳарбий изга солина бошланди. Ёвуз душман эса Москвага қаттиқ кўз тикарди. Шаҳардаги ёшу қари — ҳамма мудофаага отланган эди. Вазият кундан-кунга оғирлашиб борар, шаҳардаги завод ва корхоналар, илмий муассасалар мамлакат ичкарасига кўчирила бошлаган эди. Тўртта медицина институти ҳам, жумладан, биз ўқиётган институт ҳам бошқа шаҳарга эвакуация қилинадиган бўлди. 1941 йилнинг 17 октябрида ўқиш тўхтатилди. Ўғил болаларнинг ҳаммаси деярли кўнгилли бўлиб фронтга кетишди.

— Сизнинг тақдирингиз қандай кечди? — Ҳанифа Нуриллаевнани гапга даъват этдим.

— Ҳа, сиз эслатган шу тақдир мени кўп сўқмоқларга бошлади,— дея жилмайиб ҳикоясини давом эттирарди суҳбатдошим.— Биз отам билан бош универмаг ёнидаги бинонинг учинчи қаватида яшардик. Деразамиз Қизил майдонга рўпара эди. В. И. Ленин Мавзолейи,

бутун Кремль кўз ўнгимда бутун салобати билан гавдаланиб турарди. Ҳар тонг дераза орқали шу томонга назар соларканман, тизгинсиз хаёл мени ҳар томонларга олиб қочарди: «Наҳотки, шу қутлуғ ва муқаддас жойларга душман қадам қўйса... Йўқ, йўқ, бунга йўл қўймаймиз!». Бутун совет халқи каби менинг қалбимда ҳам кучли туйғу, қонхўр душманга ғазаб туйғуси туғён урарди. Ҳеч чидаб туролмадим. Институтда ўқиш тўхтаган куннинг эртасига ўзимиз яшаётган Красногвардейск район ҳарбий комиссариатига (ҳозирги Фрунзе район ҳарбий комиссариати) бориб, мени фронтга жўнатишларини илтимос қилдим. У ердагилар «ҳали институтни тамомламагансиз, мутахассис эмассиз», деб жавоб қилишди ва фронтга эмас, ўша вақтда эвакуация қилинган К. А. Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалик академияси биносига жойлашган № 23—86 госпиталга бориб ишлаш учун йўлланма беришди. Госпиталнинг яраларни боғлаш хонасида қарийб тўрт ой ҳамшира бўлиб ишладим. Эвакуация қилинган тўртта медицина институтининг шаҳарда қолган студентларини тўплашди, 1942 йилнинг февралда 1-Москва медицина институтида ўқиш бошланди. Вазият врач кадрларни тезроқ тайёрлашни тақозо қиларди. Шунинг учун ўқиш йил бўйи — ёзги таътилсиз давом эттирилди. Институтда юрак-томир хирургиясининг асосчиси, буюк олим ва ажойиб инсон академик А. Н. Бакулев, профессор, атоқли хирург И. Г. Рупанов сингари катта истеъодлар қўлида сабоқ олганим билан фахрланаман. Студент бўлсак-да, уруш ташвишига шерик эдик. Машғулотларнинг аксарияти бевосита ярадор жангчилар билан тўлиб-тошган госпиталларда ўтказилар эди, дарсдан бўш вақтларда, кўпинча тунлари шу госпиталларда навбатчилик қилардик.

Одатда, ҳаёт синови инсон бошига тушганда унинг тақдирида бир умр эсдан чиқмайдиган воқеалар ва саналар содир бўлади. Сухбатимиз Ҳанифа Нуриллаев-

нанинг уруш даври фаолиятига кўчганда, у чуқур ўйга толиб, фронт хотираларини хаёлан бир нуқтага йнгишга уринарди.

— 1943 йилнинг 20 августи сира эсимдан чиқмайди,— суҳбатдошим оғир йиллар «юки»ни қайта ҳис қилиб, ҳорғин оҳангда гап бошлади.— Ёзги таътиллер ҳисобига ўқиганимиз учун беш йиллик институт муддатини тўрт ярим йилда тамомладик. Шу куни менинг қўлимга учта муҳим ҳужжат — партия аъзолигига кандидатлик билети, институт дипломи ва ҳарбий комнссариатнинг чақириқ қоғози тегди. Чақириқ қоғози билан аввал Москва резерв армиясига (устозим академик Александр Николаевич Бакулев ҳам ўша вақтда шу армияда бош хирург бўлиб ишларди), кейин Тула резерв армиясига йўлланма олдим. У ерда мени госпиталга юборишди. 1-Белоруссия fronti составидаги № 28—15 дала эвакуация пунктида хирург бўлиб ишладим. Шу-шу оловли сўқмоқлар бўйлаб жангчилар сафида илгарига одимлаб бордим. Сиз 1-Белоруссия fronti жангчиларининг Европани озод қилиш ва Берлинни эгаллаш учун кўрсатган мислсиз жасоратларини билсангиз керак, албатта.

— Ташвишимиз ғоят кўп эди,— дея ўша йилларни эсларди Ҳанифа опа.— Ҳар бир врачга 140 тагача бемор тўғри келарди. Тунни кунга улаб ишлардик. Операциялар «конвейер» усулида бажариларди, яъни беморлар гуруҳ-гуруҳ қилиб, кетма-кет операцияга олиб кириларди. Хуллас, ҳаммасига улгуришга интилардик. Қутлуғ ғалаба туфайли насиб қилган тинч, осойишта кунларнинг ҳар бир дақиқаси биз учун жуда қимматли эди. Халқимиз ҳамма соҳада уруш етказган жароҳатларни тугатиш, қисқа муддатда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғазаш учун бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қиларди.

Ҳанифа Нуриллаевна профессор И. Г. Рупанов клиникасида икки йил ординатор бўлиб ишлади, кейин ас-

пирантурага кирди. У уч йилда тинимсиз изланиб, ҳаётда, жангҳоқларда орттирган амалий тажрибаларини назарий жиҳатдан хулосалади. 1952 йилда «Фитонцитлар билан операция жароҳатларини даволаш» мавзуидаги кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1953 йилда унинг ҳаётида янги бир сўқмоқ бошланди. У шу йили бир гуруҳ совет мутахассислари билан бирга қардош Мўғулистон Халқ Республикасига ишга юборилди. Уша даврда бу республикада медицина нисбатан кам ривожланган, тиббий мутахассисларга эҳтиёж катта эди. Ҳанифа Нуриллаевна Улан-Баторда бир вақтнинг ўзида уч жойда — Чойбалсан номидаги университет хирургия кафедраси мудири, Республика марказий клиникаси бош хирурги, Санитария-авиация хизмати хурурги вазифаларида ишлади. Олима уч йил давомида беморларни даволади. Мўғул халқи фарзандларидан ўнга яқин муносиб шогирд тайёрлади. Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумати совет олимасининг самарали хизматини муносиб тақдирлади. 1955 йили Ҳ. Н. Муродова Мўғулистон Халқ Республикасининг юксак мукофоти — «Қутб юлдузи» ордени билан мукофотланди.

Олима қардош Мўғулистон Халқ Республикасидан қайтгач, меҳнат отпускасини олиб, ота юрти — Ўзбекистонда, туғилган шаҳри — Каттақўрғонда бир неча вақт бўлди, туғишган жигарлари меҳрига тўйди. У «фан кандидати даражаси мен учун чегара эмас, ҳали илмда кўп изланишим керак», деган катта ният билан яна Москвага йўл олди. Қалбига туккан туйғуси хусусида катта устози, академик А. Н. Бакулев билан маслаҳатлашди. Бу вақтда Александр Николаевич СССР Медицина Фанлар академиясининг президенти лавозимида ишларди. 1956 йилда унинг ташаббуси билан Москвада Қўкрак қафаси хирургияси илмий-тадқиқот институти (ҳозирги А. Н. Бакулев номидаги Юрак-томир хирургияси институти) энди ташкил этилган эди. Ўзбек

олимаси шу янги илмий муассасага ишга жойлашди. Ҳанифа Нуриллаевна бу ерда тўққиз йил изланди, меҳнат қилди. Етти йил эса институт маҳаллий комитетини бошқариб, фаол жамоатчи ва ташкилотчи сифатида коллектив ўртасида эътибор қозонди.

Ҳанифа Нуриллаевна олти ярим йилда «Юрак-қон томир касалликларини хирургик йўл билан даволаш» мавзуидаги докторлик ишини ниҳоясига етказди ва уни 1963 йил баҳорида 1-Ленинград Медицина институти илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди. У ўз ишида юрак-қон томир касалликларини кўкрак артерияси орқали қон юбориш билан даволаш усулини илмий жиҳатдан асослаган эди.

— Бу усул,— деди олима хирургия фанининг бугунги ютуқлари хусусида гапириб,— юрак-томир хирургиясида биринчи босқич эди. Фан-техника янада тараққий этган ҳозирги шароитда юрак-томир касалликларини юрак ўқ томири орқали қон юбориш билан хирургик даволаш усули қўлланилаётир. Бу усул А. Н. Бакулев номидаги Юрак-томир хирургияси институти клиникасида В. И. Бураковский, Д. Князев, А. В. Покровский каби етук олимлар томонидан муваффақиятли жорий қилинаётир. Умуман, ҳозирги вақтда юрак-томир касалликлари жаҳон миқёсидаги муаммога айланди. Совет Иттифоқи ва АҚШ бу хил касалликларга қарши курашишнинг самаралироқ усуллари топиш йўлида ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома имзолагани ҳам бежиз эмас.

— Сизнингча, бугунги кунда юрак-томир касалликларининг рақдан ҳам кўра хавфлироқ бўлиб қолишининг сабаблари нимада?— атайин савол бердим олимага.

— Олимларимиз буни илмий-техника тараққиётининг маълум оқибати, деб изоҳламоқдалар,— салмоқлаб жавоб қайтарди олима.— Тўғри, ҳамма иш механизмлашиб, кишилар жисмоний меҳнат билан кам шуғулланадиган, ҳатто кам яёв юрадиган бўлиб қолишди.

Демак, инсон юрагининг табиий чиниқиш жараёни су-сайди. Бунинг устига асабга тегадиган шовқинни айт-майсизми. Яна тагин чекиш деган сунъий иллатдан холи эмасмиз. Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган баъзи зиёлиларимиз шахсий гигиена қондаларига, яхши бил-ганликлари ҳолда, риюя қилмайдилар. Столга узоқ вақт «ёппшиб» ишлаб, юракни қисиб, ҳолсизлантириб қўяди-лар. Оқибатда... Биз мутахассис сифатида юрак-томир касалликларининг олдини олиш учун профилактик тад-бирларга қатъий ва изчиллик билан амал қилишни маслаҳат берамиз.

Олиманинг Москвадаги А. Н. Бакулев номидаги Юрак-томир хирургияси институтида ўтказган тўққиз йиллик фаолияти унинг учун чинакам камолот поғонаси бўлди. У бу вақтда фақат медицина доктори илмий да-ражасига эришиш билан чекланиб қолмади, балки ўз устози академик А. Н. Бакулев билан юрак-томир ка-салликлари хирургияси фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшди. Москвада чоп этилган 12 томли «Хирургия бўйича қўлланма»нинг 6-томидаги «Ўқ-томир касалликлари ва уни хирургик усул-да даволаш» деган боби, «Қон-томир касалликларининг хусусий хирургияси» деб номланган бир томлик муҳим қўлланманинг иккинчи қисми профессор Ҳ. Н. Муродо-ва (академик А. Н. Бакулев билан ҳамкорликда) томони-дан ёзилган. Олима А. Н. Бакулев хирурглик мактаби-да ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан камолга етгач, ўз ота юрти — Ўзбекистонга қайтди, бутун билим ва тажрибасини яна халқ хизматига бағишлади. 1964 йил-дан буён Тошкент врачлар малакасини ошириш инсти-тути 1-хирургия кафедрасини бошқариб келаётир. Олима кейинги ўн тўрт йил ичида минглаб оғир бемор-ларни хурургик усулда даволаб, уларнинг умрига умр қўшди. Мапа, Васида З.-ванинг тақдирини олинг. У жигар эхоноки касали билан олиманинг қўлида икки марта операция бўлди. У бугун уч фарзанднинг онаси.

— Уч фарзандимнинг кулгисида профессор Ҳ. Н. Муродова менга ато этган умрининг рамзини кўриб турибман. Ҳанифа Нуриллаевна фақат меннинг эмас, шу уч ширин фарзандимнинг ҳам иккинчи онасидир,— деди у бугунги бахтидан қувониб.

Олима Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтидаги ўн тўрт йиллик фаолияти даврида ёшлардан кўпгина шогирдлар тайёрлади. Унинг бевосита кўмагида Д. Шокиров, С. Исмоилов, Н. Бойматов, Ш. Қосимов, Б. Ҳусайинов, Г. Паканаев «Операция жароҳатларини мумиё ёрдамида даволаш», «Ошқозонни аллопластикани қўллаш ёрдамида операция қилиш усули», «Қон-томир касалликларига хирургик йўл билан ёрдам кўрсатиш», «Кўричакни ўз вақтида аниқлаш йўллари», «Ўт пуфагининг яллиғланишини ультратовуш ёрдамида аниқлаш», «Ошқозон касалликлари диагностикаси» деган мавзуларда кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Шунингдек, Ҳанифа Нуриллаевна Л. Т. Нажмиддиновнинг «Туғма нуқсонли юракни хирургик йўл билан даволаш» мавзуидаги докторлик ишига илмий консультантлик қилди. У узоқ йиллар Республика хирурглар жамиятининг масъул котибаси сифатида ишлаб, ўзбек хирургия фаши соҳасидаги янги тадқиқотларни координациялаштиришда алоҳида жонкуярлик қилди.

Республика партия ва ҳукумати Ҳанифа Нуриллаевнанинг самарали хизматларини тақдирлаб, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон берди.

Олима бу улуг номини оқлаш учун тинмай изланмоқда, халққа янада муносиб хизмат қилишга иштирокда.



МУНДАРИЖА

Фан арбоби	3
Олим бўлсанг, олам сеники	18
Қутлуғ қадамлар	29
Тафаккур кўзи	44
Давр даъвати	54
Истиқбол уфқлари	66
Чўққиларга сўқмоқлардан чиқилади	79

На узбекском языке

ШАМУРАД СИДДИҚОВ

УЧЕНОМУ МИР ПОДВЛАСТЕН

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1981 г.

Редактор Э. Сиддиқов

Рассом С. Ваҳидов

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Юнусова

ИБ № 989

Босмахонага берилди 1.07.1981 й. Босишга рухсат этилди 5.11.1981 й. Р-14375. Формати 70×108^{1/2}мм. 1-босма қозоғига «Литературная» гарнитурда юқори босма усулда босилди. Босма листи 2,75. Шартли босма листи 3,85. Пашр листи 3,83. Тиражи 15000. Буюртма № 1433. Шартнома 56—81. Ваҳоси 15 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.